Özbekiston bunyodkori

ijtimoiy-iqtisodiy gazeta Строитель Узбекистана

№95 (1048)
2026 йил 13 ноябрь, жума

Газета 2016 йил 25 июлда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0874-рақам билан рўйхатга олинган.



Ягона Ватан, ягона халқ бўлиб, янги ҳаёт ва келажак яратамиз!

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ФАРМОНИ

Янги Тошкент шаҳри ва ҳудудларда юқори мультипликатив самарага эга йирик шаҳарсозлик лойиҳаларини қўллаб-қувватлаш чора-тадбирлари тўғрисида

Мамлакатнинг инвестициявий жозибадорлигини янада ошириш, шаҳарсозлик ва туризм объектларини барпо этишда замонавий ечимлар ва етакчи халқаро брендларни жалб қилиш, илғор хорижий тажриба асосида инфратузилмани ривожлантириш ҳамда республиканинг инвестициявий салоҳиятини янада ошириш мақсадида **қарор қиламан:**

I. Асосий мақсадлар

1. Қуйидагилар мазкур Фармонни қабул қилишдан кўзланган асосий мақсадлар этиб белгилансин:

(а) Янги Тошкент шаҳри ва ҳудудларда мамлакатнинг инвестициявий жозибадорлиги, туризм салоҳиятини ошириш учун қиймати 50 миллион АҚШ доллари ва ундан ортиқ бўлган йирик шаҳарсозлик лойиҳаларини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш;

(б) узоқ муддатда ўзини қоплайдиган йирик инвестиция лойиҳаларини қўллаб-қувватлаш орқали иқтисодиётнинг турли тармоқларида ўзаро боғлиқ ривожланиш занжирини ишга тушириш;

(в) йирик инвестиция лойиҳаларини амалга оширишдаги маъмурий тўсиқлар ва бюрократик ғовларни тўлиқ бартараф этиш;

(г) Тошкент ва Самарқанд шаҳарларида ижтимоий ва инфратузилма объектларига юкламани кескин ошириши мумкин бўлган замонавий шаҳарсозлик таклифларини бундай турдаги объектлар учун олдиндан режалаштирилган ҳудудларга имтиёзли шартларда йўналтириш;

(д) Янги Тошкент шаҳрини ҳамда Самарқанд шаҳридаги “Ширин” замонавий ишбилармонлик маркази ва турар жойлар комплексини барпо этиш ишларини жадаллаштириш.

II. Махсус ҳуқуқий режим

2. Мазкур Фармонга 1-иловадаги ҳудудларда (кейинги ўринларда – махсус ҳудудлар) шаҳарсозлик соҳасидаги йирик инвестиция лойиҳаларини қўллаб-қувватлаш бўйича “тартибга солиш қумдони” махсус ҳуқуқий режими (кейинги ўринларда – махсус ҳуқуқий режим) жорий этилсин.

3. Белгилансинки, махсус ҳуқуқий режим шартлари қуйидаги талабларнинг барчаси бажарилган тақдирда татбиқ этилади:

(а) йирик инвестиция лойиҳаси 2-иловадаги тоифаларга мувофиқ юқори мультипликатив самарага, инвестициявий, архитектуравий ва туристик жозибадорликка эга шаҳарсозлик объектларига мансуб бўлса (кейинги ўринларда – шаҳарсозлик лойиҳаси);

(б) шаҳарсозлик лойиҳасининг қиймати **50 миллион АҚШ доллари** эквивалентига тенг ёки ундан юқори бўлса (1-2-иловаларга мувофиқ айрим махсус ҳудудлар учун камайтирувчи коэффициентлар ҳамда айрим тоифадаги объектлар учун истисноларни қўллаган ҳолда);

(в) шаҳарсозлик лойиҳаси объекти унинг ташаббускорига махсус ҳудудни барпо этиш дирекцияси (кейинги ўринларда – дирекция) томонидан **битта лот** сифатида шакллантирилиб реализация қилинадиган (реализация қилинган) ер участкасида жойлашадиган бўлса;

(г) савдо, туризм ва хизмат кўрсатиш соҳасидаги шаҳарсозлик лойиҳалари учун **етакчи халқаро брендларни жалб қилиш** назарда тутилган ҳамда ҳуқуқ эгалари билан дастлабки келишувларга эришилган бўлса;

(д) шаҳарсозлик лойиҳасини молиялаштиришда **консолидациялашган бюджет маблағларидан фойдаланиш назарда тутилмаган бўлса,** бундан ташқи муҳандислик-коммуникация тармоқлари ва иншоотларини барпо этиш харажатлари, мазкур Фармонда ва бошқа қонунчилик ҳужжатларида назарда тутилган қўллаб- қувватлаш чоралари мустасно.

III. Имтиёзли шартларда ер ажратиш

4. Белгилансинки, махсус ҳудудларда **ер участкалари 3-иловадаги асосий шартларга мувофиқ** ижара ҳуқуқи асосида реализация қилинади.

5. Дирекцияларга **қуйидаги ҳуқуқлар берилсин:**

(а) қуйидаги ер участкаларини компенсация эвазига жамоат эҳтиёжлари учун олиб қўйишда **дастлаб ўз маблағларидан** фойдаланиш ва уларни кейинчалик қонунчиликда белгиланган тартибда **Республика компенсация жамғармасидан** тегишли ҳудудий компенсация жамғармаси орқали қоплаб бериш;

(i) ҳудуднинг шаҳарсозлик ҳужжатларига мувофиқ **умумий фойдаланишдаги ҳудудлар** ва яшил майдонлар жойлашган ерлар;

(ii) ижтимоий ва инфратузилма объектлари барпо этиладиган ва унга туташ бўлган, олиб қўйиш пайтида бўлиш имкони бўлмаган ерлар;

(iii) тегишли **дирекция буюртмачилигида** қурилиб, бошқа шахсларга реализация қилинмайдиган объектлар учун мўлжалланган ерлар;

(б) Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2026 йил 24 февралдаги ПҚ-73-сон қарорининг 2-5-бандларида назарда тутилган **комплекс қурилиш механизмларидан** ҳамда ушбу қарорда инвестиция компанияларига берилган ҳуқуқлардан **фойдаланиш;**

(в) махсус ҳудудлар учун инфратузилма объектларини барпо этиш лойиҳаларига ташаббускор инвесторларни **энг яхши таклифларни танлаб олиш** тартибида тўғридан-тўғри танлаш ҳамда давлат-хусусий шериклик битимларини тузиш, бунда шартнома суммасини йиллик Марказий банк асосий ставкасининг 50 фоизидан ошмаган ставкада бўлиб-бўлиб тўлаш шартларини назарда тутиш;

(г) ўз буюртмачилигида қурилган объектларни **қайтариладиган шаклдаги лизинг** шартномаси асосида сотиш ва қайта сотиб олиш.

6. Қонунчилик ҳужжатларида **Янги Тошкент шаҳрини барпо этиш дирекциясига берилган барча ваколатлар,** имтиёзлар, ҳуқуқлар, шу жумладан, қуйидаги ваколатлар бошқа махсус ҳудудларни барпо этишга масъул дирекцияларга ҳам татбиқ этилсин:

(а) ҳудудларни ривожлантиришни режалаштириш бўйича ҳужжатларга бўлган талабларни **мустақил равишда белгилаш** ва тасдиқлаш;

(б) ер участкаларини сотишда уларда барпо этиладиган объектларга қўйиладиган асосий **талабларни мустақил белгилаш;**

(в) ҳудуддаги ер участкаларини реализация қилишда **ҳар бир лойиҳага алоҳида техник шарт белгилаш;**

(г) ер майдонларини **доимий фойдаланиш ҳуқуқи** асосида ажратишни сўраб тегишли ҳокимликка мурожаат этиш;

(д) “E-auksion” электрон савдо платформаси орқали ер участкалари ва давлат **мулки объектларини сотишдан** (ижарага беришдан) **тушадиган маблағларни** ўз шахсий ғазна ҳисобварағига йўналтириш.

2 →



Сейсмик хавфсизлик ва рақамли қурилиш бўйича янги ҳамкорлик

Бугунги кунда замонавий шаҳарсозлик ва инфратузилмани ривожлантириш минтақа давлатларининг энг устувор вазифаларидан бирига айланган. Қирғизистон пойтахти Бишкек шаҳрида бўлиб ўтган “Марказий Осиё – Хитой” қурилиш вазирларининг иккинчи конференцияси айнан шу каби долзарб масалаларга бағишланди.

Райҳона ХЎЖАЕВА,
“O‘zbekiston bunyodkori” мухбири.

Ушбу нуфузли халқаро анжуманда Ўзбекистон делегацияси номидан иштирок этган Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазири Шерзод Хидоятов соҳадаги сўнгги йилларда улкан ўзгаришлар таҳлили билан бирга, минтақавий ҳамкорликни янги босқичга олиб чиқувчи олтита муҳим ташаббусни илгари сурди.

Конференцияда сўзга чиққан вазир мамлакатимизда аҳолини уй-жой билан таъминлаш ва шаҳарсозликни модернизация қилиш борасида амалга оширилаётган кенг кўламли ислоҳотларга тўхталди. Таъкидланишича, сўнгги 9 йил мобайнида юртимизда 15 мингта кўп квартирали уй фойдаланишга топширилиб, уларда 715 мингдан ортиқ хонадон барпо этилган. Қуриб битказилган бино ва иншоотларнинг умумий майдони эса 288 миллион квадрат метрдан ошган. Айни пайтда ҳам мамлакатимизда бунёдкорлик ишлари жадал суръатларда давом этмоқда. Хусусан, ҳозирда қурилиш жараёнидаги объектларнинг умумий майдони 218 миллион квадрат метрни, улардаги хонадонлар сони эса 771 мингдан ортиқни ташкил этмоқда. Соҳанинг меъёрий-ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш мақсадида 420 та шаҳарсозлик нормаси ягона халқаро талабларга мувофиқлаштирилди ва 500 дан зиёд янги нормалар ишлаб чиқилди.

Шунингдек, анжуман иштирокчиларига соҳани рақамлаштириш борасидаги натижалар ҳақида ҳам батафсил маълумот берилди. “Шаффоф қурилиш” миллий ахборот тизими орқали жараёнлар тўлиқ рақамлаштирилиб, 24 та ахборот платформаси 22 та давлат органи билан интеграция қилинди. Бунинг натижасида тадбиркорлар ва қурувчилар учун лицензия бериш муддати 10 кундан бор-йўғи 10 дақиқагача қисқартирилди.

Шерзод Хидоятов минтақавий ва халқаро ҳамкорликни янада ривожлантириш бўйича қуйидаги олтита стратегик ташаббусни таклиф қилди:

- саноат усулида уй-жой қурилиши ва замонавий қурилиш материаллари ишлаб чиқариш бўйича технологик ҳамкорликни кенгайтириш;
- қурилиш нормалари ва стандартларини ўзаро яқинлаштириш, илмий-тадқиқот институтлари ўртасидаги алоқаларни мустаҳкамлаш;
- BIM технологиялари, сунъий интеллект ва рақамли бошқарув тизимларини кенг ривожлантириш;
- малакали мутахассислар тайёрлаш, қўшма таълим дастурлари ва академик алмашинувни йўлга қўйиш;
- замонавий шаҳарсозлик, муҳандислик инфратузилмаси ва “Smart-city” (ақлли шаҳар) йўналишларида қўшма лойиҳаларни амалга ошириш;
- “Марказий Осиё ва Хитой сейсмик муҳандислик ассоциацияси”ни ташкил этиш.

Айниқса, сўнгги ташаббус доирасида минтақанинг сейсмик фаоллигини инобатга олган ҳолда, зилзилабардош қурилиш бўйича қўшма илмий тадқиқотлар ўтказиш, муҳандислик тажрибасини алмашиш, сейсмик лойиҳалаш нормаларини яқинлаштириш ва соҳа учун етук кадрлар тайёрлаш таклиф этилди.

Вазир Ўзбекистон ушбу йўналишларда халқаро ҳамкорлар билан фаол ишлашга, ўз тажрибасини улашишга ва ўзаро манфаатли лойиҳаларни амалга оширишга доим тайёр эканини алоҳида қайд этиб, шундай деди:

– Бизнинг умумий вазифамиз – шунчаки кўпроқ қуриш эмас, муҳими, замонавий инфратузилма инсонга хизмат қиладиган, келажак авлодлар учун янги имкониятлар яратадиган хавфсиз, қулай, энерготежамкор ва барқарор шаҳарларни барпо этишдир.

OBUNA – 2027

DIQQAT, AKSIYA!

“ÖZBEKISTON BUNYODKORI” gazetasi ELITE TRAVEL turistik kompaniyasi bilan hamkorlikda “FAOL OBUNAÇI” aksiyasini E‘LON QILADI!

ŞARTLAR:

1. “**Özbekiston bunyodkori**” gazetasiga 2027-yil uçun bir yillik obunani rasmiylaştirib, obuna çiptasini tahririyatga taqdim eting.
2. “**Özbekiston bunyodkori**” gazetasi va **Elite Travel**ning ijtimoiy tarmoqlardagi sahifalariga obuna böling.
3. “**Özbekiston bunyodkori**” gazetasi va **Elite Travel** kanallarining sönggi 5 ta postiga layk bosing.
4. Konkurs videosini Instagram stories’ingizga joylang va bizni belgilang.
5. Ushbu postlarga izoh qoldiring va aksiyaning “OBUNA” maxsus kalit sözini kiriting!

ĞOLIBLAR 2027-YIL YANVAR OYIDA ANIQLANADI VA ULARGA QUYIDAGI SOVĞALAR TOPŞIRILADI:

- **4000-obunaçiga**
  UMRA safariga 2 kişilik bepul yöllanma;
- **3000-obunaçiga**
  DUBAYga 4 kişilik bepul sayohat yöllanmasi;
- **2000-obunaçiga**
  DUBAYga 2 kişilik bepul sayohat yöllanmasi.

“Özbekiston bunyodkori” gazetasiga obunani rasmiylaştirib, 2027-yil davomida quriliş sohasidagi yangiliklar hamda unutilmas sayohat oğuşida böling!

YANGI 2027-YILNI AJOYIB SOVĞALAR BILAN KUTIB OLING!

Ma’lumot uçun telefonlar: **71-241-01-29, 71-208-12-00.**

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ФАРМОНИ

Янги Тошкент шаҳри ва ҳудудларда юқори мультипликатив самарага эга йирик шаҳарсозлик лойиҳаларини қўллаб-қувватлаш чора-тадбирлари тўғрисида

1

IV. Қурилиш, шаҳарсозлик ва рухсат бериш тартиб-таомилларини соддалаштириш

7. Қуйидагилар:

(а) махсус ҳудудларда дирекцияларга доимий фойдаланиш ҳуқуқи билан ажратилган ер участкаларида тасдиқланган мастер режа асосида дирекция буюртмачилигида ёки у томонидан реализация қилинган ерларда барпо этиладиган барча объектлар лойиҳа-смета ҳужжатларининг архитектура қисмини **ҳудудий архитектура- шаҳарсозлик кенгаши билан келишиш бекор қилинсин,** бунда Ҳукумат қарори билан тасдиқланган маъмурий регламентда лойиҳа-смета ҳужжатларининг архитектура қисмини кўриб чиқиш ва келишиш бўйича белгиланган ваколатлар тегишли дирекция томонидан амалга оширилади;

(б) дирекцияларга ташаббускорлардан бош режа ёки мастер режадаги лотларни бўлиш ёки бирлаштириш, лотнинг майдонини чегарадош лотлар ҳисобига ўзгартириш, лотда қуриладиган объектнинг баландлиги бўйича талабларни қайта кўриб чиқиш ҳақидаги таклифларни қабул қилиб, кўриб чиқиш ҳамда мақсадга мувофиқ деб топилган ҳолларда уларга тегишли **ўзгартиришлар киритиш ҳуқуқи берилсин** (лот реализация қилингунига қадар);

(в) махсус ҳуқуқий режим доирасидаги шаҳарсозлик лойиҳалари ташаббускорлари, улар томонидан жалб этиладиган пудратчилар, шу жумладан, хорижий пудратчиларга;

(і) қурилиш даврида ва объект фойдаланишга топширилгандан кейин юзага келадиган барча оқибатлар учун **жавобгарликни ўз зиммасига олиш шарти билан "fast-track"** услубида (бир вақтнинг ўзида лойиҳалаш, харид қилиш ва қуриш) **фойдаланишга тайёр ҳолда топшириш** (Engineering Procurement Construction) шартларида **босқичма-босқич тайёрланадиган** лойиҳа асосида объектларни қуришга;

(ii) лойиҳалаштириш, қурилиш-монтаж ишлари ва объектни фойдаланишга қабул қилишда **халқаро** ва **хорижий норматив-техник ҳужжатлардан фойдаланишга;**

(iii) шаҳарсозлик лойиҳалари доирасида 24/7 режимда қурилиш-монтаж ишларини амалга оширишга, юк транспорт воситалари ва қурилиш техникасини ишлатишга рухсат берилсин;

(г) Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2026 йил 25 мартдаги ПФ-46-сон Фармонининг 12-банди "в" кичик бандида белгиланган кўкаламзорлаштириш майдонлари лойиҳа майдонининг 30 фоизидан кам бўлишига йўл қўйилмаслиги ҳақидаги талаб махсус ҳудуд **умумий майдонининг 30 фоизига нисбатан татбиқ этилсин;**

(д) шаҳарсозлик лойиҳаларини инфратузилма объектлари билан таъминлаш **инвестиция битимида кўрсатилган муддатларда** Дирекция томонидан ташкил этилиши белгилансин.

8. Махсус ҳудудларда архитектура-режалаштириш топшириғини ишлаб чиқиш бўйича тўлов қийматига киритиладиган **инфратузилмани яратиш харажатларининг** бир қисмини қоплаш бўйича ҳисобланган тўловларни ундиришда:

(а) ушбу тўловларни **20 фоиз чегирма** билан бирйўла тўлашга ёки инвестиция битимига мувофиқ объект фойдаланишга топшириладиган санагача бўлган муддатга ойма-ой тенг улушларда фоизсиз бўлиб-бўлиб тўлашга рухсат берилсин;

(б) шаҳарсозлик лойиҳаларини амалга ошириш учун ташаббускорларни энг яхши таклифини танлаш тартибида тўғридан-тўғри аниқлашда ушбу тўловларни камайтириш бўйича таклифлар ҳам қабул қилиниши белгилансин;

(в) ушбу тўловлар тўғридан-тўғри тегишли дирекцияга тўланиши белгилансин.

V. Солиқ, божхона имтиёзлари ва бошқа преференциялар

9. Махсус ҳуқуқий режим доирасида **"давлат – инвестициявий шерик"** тамойили асосида қуйидаги имтиёз ва преференциялар тақдим этилади:

(а) махсус ҳуқуқий режим доирасида шаҳарсозлик лойиҳасини амалга оширувчи юридик шахслар қуйидаги муддатлар давомида лойиҳа объектини **ижарага бериш ва сотиш натижасида** олинган фойдадан **1 фоиз ставка бўйича фойда солиғини** тўлайди:

(і) тўғридан-тўғри инвестициялар ҳажми камида 50 миллион АҚШ долларини ташкил этганда – 5 йил давомида;

(ii) тўғридан-тўғри инвестициялар ҳажми камида 100 миллион АҚШ долларини ташкил этганда – 10 йил давомида;

(iii) тўғридан-тўғри инвестициялар ҳажми камида 500 миллион АҚШ долларини ташкил этганда – 15 йил давомида;

(б) мазкур Фармоннинг 2-иловасига мувофиқ инвестиция ҳажми камида 50 миллион АҚШ долларини ташкил этадиган шаҳарсозлик лойиҳалари доирасида фойдаланиладиган (барпо этиладиган, фойдаланишга топширилган) объектлар бўйича юридик шахслар **20 йил муддатга мол-мулк солиғи** ва **ер солиғини** тўлашдан озод этилади;

(в) шаҳарсозлик лойиҳасини амалга ошириш доирасида бош пудратчи ва бош лойиҳа ташкилоти томонидан Ўзбекистон Республикасида фаолиятини амалга оширмайдиган чет эллик жисмоний ва юридик шахслардан сотиб олинадиган хизматлар **қўшилган қиймат солиғидан озод этилади;**

(г) 2040 йил 1 январга қадар инвесторлар (ташаббускорлар) томонидан шаҳарсозлик лойиҳаси доирасида олинган дивидендлар тарзидаги даромадлар Ўзбекистон Республикаси ҳудудига **қайта инвестиция қилинган тақдирда,** бундай даромадлар солиқдан озод қилинади;

(д) инвесторлар (ташаббускорлар), **пудратчилар ва субпудратчилар -** инвестиция битимида кўрсатилган қурилиш даври муддатига ўз эҳтиёжлари учун Ўзбекистон Республикаси ҳудудига олиб кириладиган қурилиш техникаси, асбоб-ускуна, бутловчи буюмлар, эҳтиёт қисмлар, қурилиш материаллари, мебель ва жиҳозлар, металл конструкциялар учун **божхона божларини тўлашдан озод қилинади;**

(ж) дирекциялар, ташаббускорлар, пудратчилар томонидан меҳнат шартномаси ёки фуқаровий-ҳуқуқий шартномалар асосида хорижий давлатлардан жалб қилинадиган, **йиллик иш ҳақи фонди 50 минг АҚШ долларидан ортиқ бўлган юқори малакали лойиҳачилар, архитекторлар, муҳандислар ва бошқа мутахассислар** учун:

(і) Ўзбекистон Республикаси ҳудудида меҳнат фаолиятини амалга ошириш ҳуқуқига тасдиқномалар талаб қилинмайди, улар кириш визалари, яшаш жойи бўйича рўйхатдан ўтказиш ҳужжатларини расмийлаштиришда давлат божлари, консуллик йиғимлари ва бошқа йиғимларни тўлашдан озод қилинади;

(ii) уларнинг меҳнатига ҳақ тўлаш тарзидаги даромадларга нисбатан **уч йилгача** жисмоний шахслардан олинадиган **даромад солиғи ва ижтимоий солиқ ставкаси 1 фоиз миқдорда** белгиланади;

(з) махсус ҳуқуқий режим доирасида шаҳарсозлик лойиҳаларини амалга оширувчи юридик шахсларнинг **илмий тадқиқотларга ва (ёки) тажриба-конструкторлик ишланмаларига доир харажатлари** Солиқ кодексининг 312-моддасида белгиланган тартибда 2-коэффициент қўлланган ҳолда чегириб ташланади;

(и) инвесторларга (ташаббускорларга) шаҳарсозлик лойиҳаси доирасида бош пудратчи ва бош лойиҳа ташкилотлари, товар ва хизматларни етказиб берувчилар, барпо этилган тижорат майдонларини ижарага ва бошқарувга олувчилар билан тузиладиган шартномаларда нархларни тўлов амалга оширилган санадаги Марказий банкнинг расмий курси бўйича **хорижий валюта эквивалентига боғлаган ҳолда миллий валютада белгилашга** рухсат берилади;

(к) махсус ҳудудларда жойлашган лойиҳа объектлари **сиртқи қисмини қамраб олувчи ташқи реклама** ва ахборот объектлари (конструкциялари) ҳамда уларнинг иллюминациялари учун:

(і) электр энергияси ҳақи ташқи реклама ва ахборот объектлари (конструкциялари) учун қонунчиликда белгиланган тарифнинг **50 фоизи миқдорида** тўланади;

(ii) реклама жойининг паспортини расмийлаштириш тўлови ҳамда реклама объектини жойлаштириш учун реклама **йиғим ундирилмайди.**

10. Тошкент шаҳрининг "Тошкент инвест компанияси" АЖ иштирокида реновация лойиҳалари амалга оширилаётган ҳудудлардаги жисмоний ва юридик шахсларга тегишли кўчмас мулк объектлари учун баҳоланган мулк қийматининг **1,5 бараваригача** Янги Тошкент шаҳри ҳудудида қурилган уйлардаги хонадонлар шаклида компенсация беришга рухсат этилсин.

11. Махсус ҳудудларда барпо этиладиган барча қурилиш объектларига **"яшил" сертификат олиш тўловларини** тўлиқ, лекин 50 минг АҚШ доллари эквивалентидан ошмаган қисмини, махсус ҳуқуқий режим доирасида қўллаб-қувватланаётган шаҳарсозлик лойиҳаларига эса 100 минг АҚШ доллари эквивалентидан ошмаган қисмини давлат ҳисобидан қоплаш тизими жорий этилсин, бунда:

(а) сертификат олиш тўловларини қоплаш архитектура-режалаштириш топшириғини ишлаб чиқиш бўйича тўлов қийматига киритиладиган, инфратузилмани яратиш харажатларининг бир қисмини қоплаш бўйича ундириладиган тўловларни камайтириш ҳисобига амалга оширилади;

(б) шаҳарсозлик лойиҳаси объекти **инфратузилмани яратиш харажатларининг** бир қисмини қоплаш бўйича ҳисобланган тўловлардан **озод этилган** ёки унинг миқдори сертификат олиш тўловларини тўлиқ қоплаш учун етмаган ҳолларда мазкур тўлов Давлат бюджетидан қоплаб берилади.

12. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 5 январдаги ПФ-5611-сон Фармонининг 5-бандига ва 2022 йил 8 апрелдаги ПФ-101-сон Фармонининг 3-4-бандларига мувофиқ хорижий мамлакатлар фуқароларига кўчмас мулк сотиб олиш шарти билан Ўзбекистон Республикасида яшаш гувоҳномасини олиш учун талаб этиладиган **кўчмас мулк қийматининг** ҳамда яшаш гувоҳномаси талаб қилмаган ҳолда махсус ҳудудларда янги барпо этилаётган кўчмас мулк объектларини сотиб олиш тарзидаги **инвестиция киритишнинг** энг кам миқдори **икки баробар камайтирилсин.**

13. Махсус ҳудудларда туризм инфратузилмаси объектларини ташкил қилишни рағбатлантириш, меҳмонхоналар сонини ва уларда хизмат кўрсатиш сифатини оширишни давлат томонидан молиявий қўллаб- қувватлаш мақсадида:

(а) Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 27 июлдаги ПҚ-238-сон қарорининг 2-банди билан белгиланган имтиёзлар ва молиявий қўллаб-қувватлаш чораларининг амал қилиш муддати махсус ҳудудлар учун инвестиция суммасидан қатъи назар **2035 йил 1 январга қадар** этиб белгилансин;

(б) Иқтисодиёт ва молия вазирлиги 2035 йилга қадар тегишли йиллар учун Давлат бюджети параметрларини шакллантиришда мазкур бандда назарда тутилган молиявий қўллаб-қувватлаш чоралари учун Давлат бюджетидан Туризмни қўллаб-қувватлаш жамғармасига зарур миқдорда маблағ йўналтириб борилишини назарда тутсин.

VI. Имтиёз ва преференцияларни қўллаш шартлари

14. Белгилансинки, ушбу Фармон 9-бандининг:

(а) "а" кичик бандида назарда тутилган имтиёзни қўллашда:

(і) тўғридан-тўғри инвестициялар босқичма-босқич амалга оширилган тақдирда, фойда солиғининг пасайтирилган ставкаси уларнинг жами ҳажми ушбу кичик бандда **белгиланган миқдорга етган санадан бошлаб** тегишли объект фойдаланишга топширилган санадан эътиборан қўлланади;

(ii) тўғридан-тўғри инвестициялар ҳажми кейинчалик фойда солиғининг пасайтирилган ставкасини узоқроқ муддат давомида қўллаш ҳуқуқини берувчи миқдорга етказилган тақдирда, мазкур муддат узайтирилади, бунда уни ҳисоблаш имтиёз дастлаб қўлланган санадан бошлаб амалга оширилади;

(б) "б" кичик бандида назарда тутилган имтиёзни қўллашда тўғридан- тўғри инвестициялар босқичма-босқич амалга оширилган тақдирда, мазкур имтиёзлар уларнинг жами ҳажми **50 миллион АҚШ долларига етгандан кейин** объект фойдаланишга топширилган санадан бошлаб **20 йил давомида амал қилади;**

(в) "д" кичик бандида назарда тутилган имтиёзни қўллашда:

(і) мазкур имтиёздан фойдаланган ҳолда Ўзбекистон Республикаси ҳудудига олиб кирилган товарларнинг жами қиймати инвестиция битимида кўрсатилган инвестиция суммасининг тегишлича 30 фоизидан (қиймати 100 млн АҚШ долларигача бўлган лойиҳаларда), 50 фоизидан (қиймати 100-500 млн АҚШ доллари бўлган лойиҳаларда) ёки 70 фоизидан (қиймати 500 млн АҚШ долларидан ортиқ бўлган лойиҳаларда) ошмаслиги керак;

(ii) тегишли дирекция томонидан ахборотизимлари орқали ҳар бир инвестиция битими ҳақида божхона органларига юборилган маълумотлар унда кўрсатилган юридик шахслар томонидан инвестиция битими суммасининг тегишли фоизигача бўлган товарларни мазкур имтиёзни қўллаган ҳолда олиб кириш учун асос бўлади;

(iii) шаҳарсозлик лойиҳаси объектини фойдаланишга топшириш вақтида имтиёз қўллаган ҳолда олиб кирилган товарларнинг қиймати лойиҳа-смета ҳужжатлари билан тасдиқланган инвестиция суммасининг тегишли фоизидан ошган тақдирда, ошган қисми учун божхона чегарасидан ўтган санага кўра охирги олиб кирилган товарларга божхона божлари ўрнатилган тартибда тўланганидан кейин объект фойдаланишга қабул қилинади.

15. Белгилансинки, махсус ҳуқуқий режим доирасида:

(а) шаҳарсозлик лойиҳалари учун мазкур Фармонда белгиланган барча имтиёзлар, преференциялар ва қулай шартлар дирекция ва ташаббускор (инвестор) ўртасида тузиладиган **инвестиция битимида** (кейинги ўринларда – **инвестиция битими)** кўрсатилади;

(б) инвестиция битимининг асосий шартлари (намунавий шаклда ёки аниқ лотлар учун) Инвестицияларни жалб қилиш, саноатни ривожлантириш ва савдони тартибга солиш масалалари бўйича **Ҳукумат комиссияси томонидан белгиланади,** ер участкасини реализация қилиш ҳужжатларига илова қилинади ва **барчанинг танишиши учун очиқ бўлади.**

16. Инвестициялар, саноат ва савдо вазирлиги тасдиқланган инвестиция битимларининг реестрини юритсин, ҳар бир инвесторга масъул бириктириш **("инвесторбай" ишлаш)** тизимини йўлга қўйсин ҳамда ҳар чоракда камида бир марта махсус ҳудудларда амалга оширилаётган ҳар бир шаҳарсозлик лойиҳаси юзасидан Вазирлар Маҳкамасига ва Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрациясига ахборот киритиб борсин.

VII. Янги Тошкент шаҳри ҳокимлигини ташкил этиш

17. Тегишли маъмурий-ҳудудий бирлик ташкил этилганига қадар махсус ҳуқуқий режим доирасида Янги Тошкент шаҳри ҳудудида бошқарувни ташкил этиш, аҳоли, ижтимоий ва инфратузилма объектларига хизмат кўрсатиш мақсадида **Янги Тошкент шаҳри ҳокимлиги** ташкил этилсин.

18. Қуйидагилар:

(а) Янги Тошкент шаҳри ҳокимлиги **бошқарув аппаратининг намунавий тузилмаси** 4-иловага мувофиқ;

(б) Янги Тошкент шаҳридаги **давлат органлари ва ташкилотларининг бўлинмалари** ва бошқарув ходимларининг штат бирликлари сони 5-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

19. Белгилансинки:

(а) Янги Тошкент шаҳри ҳокими Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан **лавозимига тайинланади** ва лавозимидан озод этилади ҳамда ўз фаолиятини **тегишли маъмурий-ҳудудий бирлик ташкил этилганига қадар амалга оширади;**

(б) Янги Тошкент шаҳридаги давлат органлари ва ташкилотларининг бўлинмалари бошқарув ходимлари штат бирликлари тегишли идоранинг умумий штат бирликлари доирасида киритилади;

(в) Янги Тошкент шаҳри ҳокимлигини ҳамда қонунчиликда маҳаллий бюджетдан молиялаштирилиши белгиланган давлат органлари ва ташкилотларини сақлаш харажатлари Ўзбекистон Республикасининг **республика бюджетидан** молиялаштирилади;

(г) Бош прокуратура, Ички ишлар вазирлиги, Адлия вазирлиги, Фавқулодда вазиятлар вазирлиги ҳамда бошқа ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар **бир ой муддатда** ўзларининг **умумий штат бирликлари доирасида** Янги Тошкент шаҳрида ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг тузилмаларини ташкил этади;

(д) Янги Тошкент шаҳри ҳокимлиги ҳамда Янги Тошкент шаҳридаги **давлат органлари ва ташкилотларининг бўлинмаларига:**

(і) тегишли маъмурий-ҳудудий бирлик ташкил этилгунига қадар дирекцияга доимий фойдаланишга берилган ҳудудларда Тошкент вилояти ва туманларидаги тегишли давлат органлари ваколатига берилган масалалар юзасидан **қарорлар қабул қилиш;**

(ii) ушбу органларнинг зиммасига юкланган вазифаларни **ўзи мустақил амалга ошириш ҳуқуқи берилади;**

(ж) мазкур Фармонда назарда тутилмаган бошқа давлат органлари ва ташкилотлари Янги Тошкент шаҳрида ўз фаолиятини тегишлича Тошкент вилояти ва туманларидаги мавжуд ҳудудий бўлинмалари орқали давом эттиради;

(з) Янги Тошкент шаҳри **ободонлаштириш бошқармаси** тузилмаси ва штатлар сони Тошкент шаҳри туманлари ободонлаштириш бошқармаларининг намунавий тузилмасига мувофиқ Янги Тошкент шаҳри ҳокими томонидан белгиланади;

(и) Янги Тошкент шаҳар ҳокимлиги ҳамда Янги Тошкент шаҳридаги давлат органлари ва ташкилотларининг бўлинмалари вақтинча собиқ **"Янги Тошкент" лойиҳаси офиси биносига** текин фойдаланиш ҳуқуқи билан жойлаштирилади.

20. Вазирлар Маҳкамаси (Раматов, Қўчқоров):

(а) ўн кун муддатда Янги Тошкент шаҳри ҳокимлигини ташкил этиш билан боғлиқ зарур ташкилий-техник тадбирлар комплексини ишлаб чиқсин ва белгиланган муддатларда амалга оширилишини таъминласин;

(б) уч ой муддатда илғор хорижий тажрибани ўрганиш асосида Янги Тошкент шаҳрининг маъмурий-ҳудудий бирлик сифатидаги мақомини белгилаш бўйича таклиф киритсин.

21. Шундай тартиб ўрнатилсинки, унга мувофиқ барча республика даражасидаги вазирлик ва идоралар ҳамда устав фондида (капиталида) давлат улуши 50 фоиз ва ундан ортиқ бўлган хўжалик жамиятлари биноларини махсус ҳудудларга кўчиришда:

(а) янги бино қурилиши мўлжалланган ер участкаларини "E-auksion" электрон савдо платформаси орқали тегишли бинони алоҳида лойиҳа асосида қуриб бериш, шундан кейин уни тегишли давлат ташкилотига **узоқ муддатли ижарага бериш** ёки **бўлиб-бўлиб тўлаш шарти** билан реализация қилишга рухсат этилади;

(б) кўчириладиган ташкилотларнинг эски бино ва иншоотларини "E-auksion" электрон савдо платформаси орқали реализация қилишда:

(і) Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2026 йил 28 августдаги ПФ-177-сонли Фармонида белгиланган етти йилгача **бўлиб- бўлиб тўлаш механизми биринчи аукцион савдоларига татбиқ этилмайди,** бунда 100 фоиз тўлов 30 кун ичида тўланиши керак;

(ii) такрорий аукцион **ўн икки ойга бўлиб-бўлиб тўлаш** шарти билан ўтказилади;

(iii) кейинги такрорий аукцион савдоларида бўлиб-бўлиб тўлаш муддати ҳар такрорий савдода **ўн икки ойга** (етти йилдан ошмаган муддатга) **узайтириб борилади;**

(в) Янги Тошкент шаҳрига кўчириладиган вазирлик ва идораларнинг Тошкент шаҳридаги хусусийлаштириладиган бино ва иншоотлари жойлашган ер участкалари **консервация зонасидан чиқарилади,** шу муносабат билан Вазирлар Маҳкамаси томонидан **бир ой муддатда** Тошкент шаҳрининг 2045 йилгача бўлган бош режасига тегишли ўзгартиришлар киритиш бўйича таклиф киритилади.

VIII. Фармоннинг амал қилиши

22. Ушбу Фармон **2035 йил 1 январгача** бўлган даврда қурилишга рухсат берилган объектларга нисбатан амал қилади.

23. "Инвестициялар ва инвестиция фаолияти тўғрисида"ги Қонунга мувофиқ агар ушбу Фармонга ва унда ҳавола қилинган қонунчилик ҳужжатларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритилиши ёки у тўлиқ ёхуд қисман ўз кучини йўқотган деб топилиши инвестиция қилиш шарт-шароитларини ёмонлаштирса, инвестиция қилиш санасида **амалда бўлган қонунчилик** чет эл инвесторларига нисбатан инвестиция қилиш пайтидан эътиборан **ўн йил мобайнида қўлланади,** инвестор ўзининг инвестиция қилиш шарт-шароитларини яхшилайдиган янги қонунчилик қоидаларини ўз хоҳишига кўра қўллаш ҳуқуқига эга.

IX. Фармон ижросини ташкил этиш, таъминлаш ва назорат

24. Янги Тошкент шаҳри ва ҳудудларда қурилиш ишларини жадаллаштириш ва айрим тартиб-таомилларни соддалаштириш бўйича **чора-тадбирлар режаси** 6-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

25. Янги Тошкент шаҳрини ва ундаги инвестиция лойиҳаларини хорижда тарғиб қилиш ишларини юқори савияда ташил этиш, барпо этилаётган кўчмас мулк объектларини чет эллик инвесторларга сотиш мақсадида Янги Тошкент шаҳрини барпо этиш дирекциясига қуйидаги хизматларни **энг яхши таклифларни танлаш** орқали харид қилиш ва танланган ижрочи билан шартнома тузиш ҳуқуқи берилсин:

(а) жамоатчилик билан алоқалар (РК) хизматлари, бунда мазкур хизматлар бўйича харажатларнинг 50 фоизи дирекциянинг ўз маблағлари, 50 фоизи Савдога кўмаклашиш жамғармаси ҳисобидан қопланади;

(б) хорижий фуқароларга кўчмас мулкларни сотиш учун **риэлторлик ташкилотлари хизматлари.**

26. Адлия вазирлиги **икки ой муддатда** қонунчилик ҳужжатларига ушбу Фармондан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида таклифларни Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

27. Мазкур Фармоннинг ижросини самарали ташкил қилишга масъул ва шахсий жавобгар этиб Бош вазир ўринбосарлари А. Ж. Раматов, Ж. А. Қўчқоров, Ж. А. Ходжаев белгилансин.

28. Мазкур Фармон ижросини назорат қилиш ва ижро учун масъул ташкилотлар фаолиятини мувофиқлаштириш Ўзбекистон Республикаси Бош вазири А. Н. Арипов ва Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси Раҳбари С. Ш. Мирзиёева зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти **Ш. МИРЗИЁЕВ**

Тошкент шаҳри
2026 йил 10 ноябрь

Фармоннинг иловалари билан қуйидаги QR-код орқали танишишингиз мумкин.

Уй-жой қурилиши ва аҳолига ипотека кредитлари ажратиш: дастур ижроси қандай кетяпти?

2026 йилнинг 9 ойи давомида “Ўзбекистон ипотекани қайта молиялаштириш компанияси” АЖ маблағлари ҳисобидан фуқароларга ажратилган жами 2 триллион 273,1 миллиард сўмлик ипотека кредитлари қайта молиялаштирилди. Ушбу маблағлар қарийб 9 минг нафар фуқарони қамраб олди. Шунингдек, 1 594 та хонадонни “яшил” таъмирлаш мақсадлари учун 221,2 миллиард сўмлик ипотека кредитлари йўналтирилди.

Райҳона ХЎЖАЕВА,
“O'zbekiston bunyodkori” мухбири.



Компания томонидан мустақил молиявий ресурсларни жалб қилиш ишлари ҳам амалга оширилмоқда. Хусусан, Европа тикланиш ва тараққиёт банкидан 685,6 миллиард сўм ҳамда маҳаллий капитал бозоридан 1,3 триллион сўм маблағ жалб қилинди. Шу билан бирга, Компаниянинг молиявий салоҳиятини мустаҳкамлаш, ипотека кредитларини қайта молиялаштириш имкониятларини кенгайтириш ва ипотека бозоридаги иштирокини оширишга қаратилган чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Хусусан, 2030 йилга қадар Компаниянинг устав капиталини 5 триллион сўмга етказиш ҳамда ипотека бозоридаги улушини 20 фоизга ошириш режалаштирилган.

2026 йил 1 октябрь ҳолатига республика аҳолиси, рўйхатга олиш натижаларини ҳисобга олган ҳолда, 39,5 миллион кишига етди. Урбанизация даражаси 54,5 фоизни, шаҳарларда яшовчи аҳоли сони эса 21,3 миллион кишини ташкил этди. “Ўзбекистон – 2030” стратегияси доирасида урбанизация даражасини 60 фоизга етказиш белгиланган. Сўнгги 10 йилда республикада 600 мингдан ортиқ хонадонга эга 12 мингта кўп қаватли уй қурилиб, аҳоли жон бошига тўғри келадиган уй-жой майдони 19,2 квадрат метрдан ошди.

Жорий йилда республика бўйича жами 140 минг 206 та квартира қуриш режалаштирилган бўлиб, жорий йилнинг 1 октябрь ҳолатига 67 минг 859 та квартира фойдаланишга топширилди. Бу ўтган йилнинг мос даврига нисбатан 31 минг 909 тага ёки 88,8 фоизга кўпдир.

Аҳолини замонавий уй-жойлар билан таъминлаш ва қулай яшаш муҳитини яратиш мақсадида 2021 йилдан бошлаб “Янги Ўзбекистон” массивларини комплекс қуриш тизими жорий этилди. Ушбу тизим доирасида уй-жойлар қуриш билан бир қаторда йўл-транспорт ва муҳандислик-коммуникация инфратузилмасини ривожлантириш, шунингдек, ижтимоий соҳа объектларини барпо этишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. 2022–2025 йилларда “Янги Ўзбекистон” массивларида жами 55 минг 264 та квартира қурилиб, фойдаланишга топширилди. 2026 йилда 61 та массивда жами 33 минг 926 та квартира қуриш белгиланган бўлиб, 1 октябрь ҳолатига 13 минг 408 та квартира фойдаланишга топширилди. Бу йиллик режанинг қарийб 40 фоизини ташкил этади.

Булардан ташқари, “Янги Ўзбекистон” массивлари инфратузилмасини ривожлантириш доирасида ҳам кўплаб ишлар амалга оширилди. Хусусан, 2022–2025 йилларда “Янги Ўзбекистон” массивларида йўл-транспорт ва муҳандислик-коммуникация инфратузилмасини ривожлантириш ҳамда ижтимоий соҳа объектларини барпо этиш учун қарийб 4,1 триллион сўм маблағ йўналтирилди. Натижада 170,8 километр автомобиль йўли, 487,7 километр ичимлик ва оқова сув тармоғи, 191,2 километр иссиқлик тармоғи, 418,9 километр электр тармоғи ҳамда 5,2 километр муҳандислик коллектори барпо этилди.

Шунингдек, 54 та сув иншоати, 92 та қозонхона, 401 та трансформатор, 34 та мактаб, 31 та болалар боғчаси ва 19 та оилавий поликлиника фойдаланишга топширилди. 2026 йилда массивларнинг муҳандислик-коммуникация инфратузилмасини ривожлантириш учун Давлат бюджетидан 1 триллион 152,3 миллиард сўм ажратиш белгиланган бўлиб, 1 октябрь ҳолатига 677,1 миллиард сўм молиялаштирилди. Жумладан, автомобиль йўллари қурилишига 121,5 миллиард сўм, ичимлик ва оқова сув таъминотига 140,2 миллиард сўм, иссиқлик таъминотига 148,6 миллиард сўм ҳамда электр таъминотига 263,6 миллиард сўм йўналтирилди.

Шу билан бирга, массивларда 3 та мактаб ва 3 та болалар боғчасини қуриш учун 2026 йилда 90,8 миллиард сўм ажратиш белгиланган бўлиб, 1 октябрь ҳолатига 64,9 миллиард сўм молиялаштирилди. Дастур доирасида “Янги Ўзбекистон” массивлари ва бошқа массивларда кўп қаватли уй-жойлар қурилишини амалга ошираётган пудрат ташкилотларини молиявий қўллаб-қувватлаш учун жами 3 триллион 800 миллиард сўм кредит ажратиш белгиланган. Шундан 600 миллиард сўми Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан молиялаштирилиши назарда тутилган.

Ҳисобот даврида тижорат банклари томонидан 288 та пудрат ташкилотига жами 4 триллион 472,4 миллиард сўм кредит ажратилди. Ушбу маблағларнинг 956,0 миллиард сўми “Янги Ўзбекистон” массивларидаги қурилиш ташкилотларига йўналтирилди. Ажратилган кредитларнинг 392,1 млрд сўми Давлат бюджети ресурслари ҳисобидан қоплаб берилиши назарда тутилган.

Реновация дастурлари ижроси доирасидаги ишлар ҳам жадаллик билан давом этмоқда. Республикада аҳолини замонавий уй-жойлар билан таъминлаш, эскирган кўп квартирали уй-жой фондини янгилаш ва ер ресурсларидан самарали фойдаланишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бунда қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерларни сақлаш ва озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш масалалари ҳам муҳим аҳамият касб этади. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2026 йил 24 февралдаги ПФ–29-сонли Фармони билан реновация асосида фойдаланишга топшириладиган хонадонлар сонини 2026 йилда 30 мингтага, 2027 йилда 35 мингтага етказиш, 2040 йилга бориб эса кўп квартирали уй-жойлар қурилишида реновация ҳисобига барпо этиладиган хонадонлар улушини 60 фоизгача босқичма-босқич ошириш мақсад қилиб олинган.

Мазкур вазифалар ижросини таъминлаш мақсадида 2026 йил 10 июнда “Шаҳарсозлик реновацияси тўғрисида”ги ЎРҚ–1149-сонли Қонун қабул қилинди. Ушбу Қонун билан эскирган уй-жой фондини янгилаш, ер ресурсларидан самарали фойдаланиш, мулкдорларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилишнинг ҳуқуқий асослари яратилди. Қонунни амалга ошириш доирасида Республика ва ҳудудий реновация жамғармалари фаолиятини ташкил этиш, реновация лойиҳаларини молиялаштириш механизмларини жорий қилиш ҳамда “Шаҳарсозлик реновацияси” электрон платформасини ишлаб чиқиш бўйича тегишли ишлар амалга оширилмоқда. Жорий йил 1 октябрь ҳолатига кўра, республика бўйича 10 045 та хонадонлар фойдаланишга топширилди.

Булардан ташқари, ипотека кредитлари ажратиш ва субсидиялар тўлаш доирасида ҳам қатор тадбирлар олиб борилмоқда. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2026 йил 24 февралдаги ПФ–29-сон Фармони билан 2026 йилда ипотека кредитлари орқали аҳолини уй-жой билан таъминлаш дастури қабул қилинди. Мазкур дастур доирасида жорий йилда жами 23 триллион сўм ипотека кредитлари ажратиш белгиланган. Шундан 12,2 триллион сўми Давлат бюджети, 7,8 триллион сўми тижорат банкларининг ўз маблағлари ва 3 триллион сўми “Ўзбекистон ипотекани қайта молиялаштириш компанияси” АЖ маблағлари ҳисобидан йўналтирилиши кўзда тутилган.

2026 йил 1 октябрь ҳолатига 67 598 нафар фуқарога жами 20,9 триллион сўм ипотека кредитлари ажратилди. Натижада Фармонда белгиланган мақсадли кўрсаткичлар ижроси 91 фоизни ташкил этди. Ажратилган ипотека кредитларининг 12,8 триллион сўми Давлат бюджети, 6,1 триллион сўми тижорат банклари ҳамда 2 триллион сўми Компания маблағлари ҳисобига тўғри келди. Жорий йил январь–сентябрь ойларида жисмоний шахсларга ажратилган ипотека кредитлари ҳажми ўтган йилнинг мос даврига нисбатан сезиларли ўсди. Жумладан, ушбу даврда жами 20,9 триллион сўмлик ипотека кредитлари ажратилиб, ўтган йилнинг мос даврига нисбатан 5,9 триллион сўмга ёки 39 фоизга ошди.

Кредитлар таркибида бирламчи бозордаги ажратилган кредитлар сони 37 мингтадан 49,8 мингтага етди, ипотека кредитлари ҳажми 15,5 трлн сўмни ташкил этиб, ўтган йилнинг мос даврига нисбатан қарийб 41 фоизга ошди. Иккиламчи бозордаги уй-жойларни харид қилиш учун ажратилган кредитлар ҳажми эса 5,2 трлн сўмни ташкил этиб, 28 фоизга ўсди. 2026 йил 1 октябрь ҳолатига ипотека кредитлари бўйича субсидиялар учун Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан жами 1 208,1 миллиард сўм тўланди. Шундан уй-жой сотиб олиш учун бошланғич бадал тўловларига 13 722 нафар фуқаро учун 407,8 миллиард сўм, ипотека кредитлари бўйича фоиз тўловларини қоплашга эса 800,3 миллиард сўм йўналтирилди.

Ҳудудлар кесимида жами тўланган субсидиялар таркибида энг юқори улуш Фарғона вилояти ҳиссасига тўғри келиб, 12 фоизни ташкил этди. Самарқанд ва Андижон вилоятларининг улуши 11 фоиздан, Наманган вилоятиники 10 фоизни, Сурхондарё вилоятиники эса 9 фоизни ташкил этди.

Бир сўз билан айтганда, жорий йилда уй-жой қурилиши ва аҳолига ипотека кредитлари ажратиш ҳажмларида сезиларли ўсишга эришилди. Шу билан бирга, айрим йўналишларда белгиланган мақсадли кўрсаткичларнинг тўлиқ бажарилишини таъминлаш, мавжуд имкониятлардан самарали фойдаланиш ва дастурлар ижросини жадаллаштириш зарур.

Шу муносабат билан, йил якунига қадар уй-жой қурилиши ва реновация дастурлари ижросини жадаллаштириш, “Янги Ўзбекистон” массивларида инфратузилма объектларини ўз вақтида фойдаланишга топшириш, ипотека субсидиялари бўйича белгиланган кўрсаткичларнинг тўлиқ бажарилишини таъминлаш, шунингдек, ипотека кредитларини молиялаштиришда муқобил ва узоқ муддатли ресурслардан фойдаланиш кўламини кенгайтириш бўйича тегишли ишлар ташкил этилади.

Қорақалпоғистон Республикаси Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги соҳасида ҳудудий назорат қилиш инспекцияси томонидан 2051 та қурилиш объекти назоратга олинган. Уларда йил бошидан буён 19 329 маротаба мониторинг ишлари олиб борилиб, 14 280 маротаба қурилиш объектларига ёзма кўрсатмалар берилган. Ушбу кўрсатмаларни вақтида бажармаган 84 та қурилиш объекти административ жаримага тортилган. 231 та қурилиш-монтаж ишлари сифатсиз, деб топилиб, буздирилган.

Қурилишда назорат: сифат ва барқарорлик гаровидир



Омирбай ЕСБЕРГЕНОВ,
“O'zbekiston bunyodkori” мухбири.



Ҳудудий назорат қилиш инспекцияси ходимлари томонидан олиб борилган мониторинг ишлари давомида Нукус шаҳридаги “Нур” маҳалла фуқаролар йиғини ҳудудида қад кўтараётган 5 қаватли турар жой биносининг қурилиш ишлари кўздан кечирилди. Назорат ишлари давомида қурилиш ишлари олиб борилаётган кўп қаватли иморатнинг шартнома ва тасдиқланган лойиҳа бўйича бажарилиши, сейсмик ва ёнғин хавфсизлиги талаблари, ер коммуникация тармоқлари ҳолатлари, ободонлаштириш ва умуман фойдаланиладиган майдонларнинг тозалигига эътибор қаратилди.

– Асосий вазифамиз – қурилиш ишларининг сифатли ва хавфсиз олиб борилишини таъминлашдир, – деди Қорақалпоғистон Республикаси Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги соҳасида ҳудудий назорат қилиш инспекцияси ходими Айнитдин Абдреймов. – Мониторинг жараёнида бир қатор камчиликлар аниқланди. Жумладан, объектга келтирилган темир-бетон плиталари белгиланган сифат талабларига жавоб бермаслиги каби яна бошқа камчиликлар мавжуд. Ишлаб чиқарувчига нисбатан белгиланган тартибда тақдимнома киритилиб, сифат талабларига жавоб бермайдиган темир-бетон плиталар объект ҳудудидан чиқариб юборилди.

Бошқа камчиликлар шу жойнинг ўзида бартараф этилди. Қурилиши август ойида бошланган ҳар бири икки хонадан иборат 75 квартирали уйнинг қурилиш ишлари жорий йил охирларида якунланиб, уйлар фойдаланишга топширилиши режалаштирилган.

Ҳудуд ривожида инвестиция лойиҳаларининг аҳамияти

Беруний туманида хитойлик инвесторлар иштирокидаги корхона – ақлли префабрикацион (йиғувчи) элементлар, металл конструкциялар ишлаб чиқаришни ташкил этиш бўйича “Evertone Tashkent Construction” масъулияти чекланган жамияти томонидан мега лойиҳа ишга туширилмоқда.

Лойиҳани амалга ошириш бўйича корхонага 7,47 гектар ер майдони тўғридан-тўғри инвестиция киритиш шарти билан ажратилди. Ушбу лойиҳа ишга тушиши натижасида 40 та янги иш ўринлари яратилади ва бюджетга қўшимча тушумлар амалга оширилади. Мазкур лойиҳа қиймати 3 миллион АҚШ доллари бўлиб, Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилоятларидаги қурилишларга ишлатиладиган тайёр металл конструкциялар етказиб берилиши йўлга қўйилади.



Эътиборли жиҳати, ушбу металл конструкцияларда ишлатиладиган хомашёнинг асосий қисми маҳаллий маҳсулотлар ҳисобланади. Туманда ишлаб чиқариладиган ушбу қурилиш материалларидан кенг фойдаланиш қурилиш харажатларини оптималлаштириш, маҳсулотларнинг рақобатбардошлигини ошириш, янги иш ўринларини яратиш ва маҳаллий саноатни қўллаб- қувватлашда муҳим аҳамият касб этади.

Навоийнинг янги қиёфаси шаклланмоқда



Навоий вилояти Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги бош бошқармасида 2026 йилги Инвестиция дастури, ҳудудий ривожланиш лойиҳалари ҳамда куз-қиш мавсумига тайёргарлик ишлари ижросига бағишланган матбуот анжумани бўлиб ўтди.

Темурбек ТУРОБОВ,
журналист.

Унда вилоятда замонавий қурилиш, сифат ва хавфсизлик талабларини таъминлаш, аҳоли учун муносиб уй-жой шароитларини яратиш, муҳандислик-коммуникация тармоқларини яхшилаш ҳамда коммунал хизматлар барқарорлигини таъминлаш борасида амалга оширилаётган ишлар ҳақида маълумот берилди.

Таъкидланганидек, жорий йилда Навоий вилоятида барча дастурлар доирасида 559 та мақсадли объект қамраб олинган. Уларни амалга ошириш учун 2 триллион 734 миллиард сўмдан зиёд маблағ йўналтирилган. Бугунги кунга қадар режалаштирилган ишлар ҳажмининг 73,9 фоизи бажарилиб, 298 та муҳим объект фойдаланишга топширилган.

Ижтимоий объектлар – эътибор марказида

Аҳоли учун қулай шароит яратишда ижтимоий соҳа объектларини барпо этиш ва мавжудларини модернизация қилиш муҳим аҳамият касб этмоқда. Дастур доирасида таълим соҳасида 25 та янги лойиҳа бошланган бўлиб, уларнинг 14 таси умумтаълим мактаблари, 4 таси мактабгача таълим ташкилотларига тўғри келади.

Зарафшон шаҳридаги Президент мактаби қурилиши тўлиқ якунланиб, фойдаланишга топширилди. Айни пайтда 12 минг ўринли Навоий давлат университети кампуси ҳамда янги Вилоят кардиология диспансери биноларида қурилиш ишлари жадал давом эттирилмоқда.

Бу каби лойиҳалар нафақат янги бинолар барпо этиш, балки ҳудуднинг таълим ва тиббий инфратузилмасини сифат жиҳатдан навбатдаги босқичга олиб чиқишга хизмат қилади.

Муҳандислик тармоқлари янгиланмоқда

Бугун вилоятда аҳоли ҳаётида муҳим ўрин тутадиган муҳандислик-коммуникация тармоқларини модернизация қилишга ҳам алоҳида эътибор қаратилмоқда. Ичимлик ва оқова сув тизимлари, иссиқлик таъминоти, ирригация ҳамда автомобиль йўлларини яхшилаш ишларига 190,5 миллиард сўм маблағ йўналтирилган.

Халқаро молия институтлари маблағлари ҳисобидан амалга оширилаётган лойиҳалар доирасида режалаштирилган 159 та объектнинг 108 тасида ишлар тўлиқ якунланган. Хусусан, Қизилтепа, Кармана ва Навбаҳор туманларида янги сув ҳамда электр тармоқлари ишга туширилган.

“Янги Навоий”да йирик лойиҳалар

Вилоят марказида амалга оширилаётган йирик бунёдкорлик ишлари ҳам жадал тус олган. “Янги Ўзбекистон” боғи ҳудудидаги Амфитеатр мажмуаси ва сунъий кўл мажмуасида қурилиш ишлари 86,4 фоизга бажарилган.

Айни пайтда объектларда якуний пардозлаш ишлари олиб борилмоқда. Бу каби замонавий мажмуалар шаҳарнинг меъморий қиёфасини янгилаш билан бирга, аҳоли учун маданий ҳордиқ ва жамоат масканларини кўпайтиришга хизмат қилади.



Кўп қаватли уйлар таъмирланмоқда

Коммунал соҳада ҳам аҳоли учун қулай ва хавфсиз яшаш шароитларини яратишга қаратилган ишлар кенг кўламда давом эттирилмоқда. Давлатимиз раҳбарининг 2026 йил 5 февралдаги ПҚ–48-сонли қарорига мувофиқ, бошқарув ташкилотларининг ўз маблағлари ва қўшимча манбалар ҳисобидан манзилли дастур асосида 348 та кўп қаватли уйни таъмирлаш белгиланган.

Бугунги кунга келиб ушбу уйларнинг 324 тасида таъмирлаш ишлари тўлиқ якунланган. Бу эса кўп қаватли уй-жой фондини босқичма-босқич янгилаш, умумий фойдаланишдаги ҳудудларни ободонлаштириш ва аҳолига кўрсатилаётган коммунал хизматлар сифатини оширишда муҳим аҳамият касб этмоқда.

Қиш мавсумига пухта тайёргарлик

Матбуот анжуманида куз-қиш мавсумини барқарор ўтказиш масаласига ҳам алоҳида эътибор қаратилди. Хусусан, иссиқлик, электр энергияси, ичимлик суви таъминоти, йўл ва бошқа муҳандислик инфратузилмаларининг барқарор ишлашини таъминлаш бўйича кўрилаётган чора-тадбирлар ҳақида ахборот берилди.

Зеро куз-қиш мавсумига пухта тайёргарлик кўриш – аҳолининг қиш фаслини осойишта ва фаровон ўтказишини таъминлашнинг муҳим омилидир.

Умуман, вилоятда амалга оширилаётган кенг кўламли қурилиш ва ободонлаштириш ишлари ҳудудларнинг инфратузилмавий салоҳиятини ошириш, аҳоли учун замонавий ва қулай муҳит яратиш ҳамда коммунал хизматлар барқарорлигини таъминлашга қаратилгани билан аҳамиятлидир.

Энергия ресурсларидан хавфсиз фойдаланиш ойлиги қизғин ўтмоқда

Юртимизда эълон қилинган “Энергия ресурсларидан хавфсиз фойдаланиш ойлиги”ни юқори савияда ташкил этиш мақсадида Сирдарё вилоятида масъул ташкилотлар раҳбарлари иштирокида кенгайтирилган муҳокама йиғилиши бўлиб ўтди.



Беҳзод АҲМАДКУЛОВ,
“O'zbekiston bunyodkori” мухбири.

Вилоят ҳокимининг ўринбосари Алишер Хидиров ҳамда Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги соҳасида назорат қилиш инспекцияси бошлиғи Сирожиддин Эшқувватов раҳбарлигида ўтган тадбирда куз-қиш мавсумида аҳоли хавфсизлигини таъминлаш масалаларига алоҳида эътибор қаратилди. Хусусан, мавсум давомида ис газидан заҳарланиш, газ-ҳаво аралашмаси чақнаши ҳамда содир бўлиши мумкин бўлган ёнғинларнинг олдини олиш чора-тадбирлари атрофлича таҳлил қилинди.

Йиғилиш давомида инспекция бошлиғи С. Эшқувватов ойлик доирасида ҳудудларда юзага келиши мумкин бўлган ҳар қандай муаммоли ҳолатларнинг олдини олиш зарурлигини таъкидлади. Бунинг учун фуқаролар мурожаатларини ўз вақтида ўрганиш ва тезкор ҳал этиш мақсадида вилоят ҳамда туман (шаҳар) миқёсида махсус штаблар фаолиятини йўлга қўйиш муҳим вазифа эканлиги қайд этилди. Шу билан бирга, масъул ташкилотларга ҳамкорликда хонадонма-хонадон юриш ва аҳоли ўртасида тарғибот-тушунтириш ишларини мунтазам олиб бориш юзасидан тегишли топшириқлар берилди. Бунда фуқароларга энергия ресурсларидан хавфсиз фойдаланиш, газ жиҳозлари ва иситиш мосламаларини тўғри ишлатиш қоидалари тушунтирилади.

Муҳокамалар якунида ҳудудий штаблар фаолиятини самарали ташкил этиш, мавжуд муаммоларни тезкор аниқлаш ва бартараф этиш, аҳоли мурожаатларига ўз вақтида муносабат билдириш ҳамда масъул ташкилотлар ҳамкорлигини кучайтириш бўйича аниқ чора-тадбирлар белгилаб олинди.

Бинолар инсонлар ишончига муносиб бўлсин

Янги уйга кўчиб кириш, фарзандини замонавий мактабда ўқитиш, оиласи билан шинам ва хавфсиз хонадонда яшаш ҳар бир инсоннинг орзусидир. Бугун мамлакатимизда амалга оширилаётган бунёдкорлик ишлари ана шу эзгу мақсадларга хизмат қилмоқда. Бироқ, гап фақат қанча бино қурилаётгани ёки нечта хонадон фойдаланишга топширилаётганида эмас. Энг муҳими, уларнинг мустаҳкамлиги, хавфсизлиги ва йиллар давомида одамларга ишончли хизмат қилишидадир.



Зиё СИРОЖ,
“O'zbekiston bunyodkori” мухбири.

Зеро қурилишдаги ҳар бир хато ортида инсон тақдири, оила хотиржамлиги ва жамият хавфсизлиги турибди. Шу боис соҳада давлат назоратини кучайтириш, шаҳарсозлик нормаларига амал қилинишига эришиш, сифатсиз ишларнинг олдини олиш бугунги куннинг долзарб вазифаларидан ҳисобланади.

Андижон вилояти ҳудудий Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги соҳасида назорат қилиш инспекцияси томонидан ҳам бу борада тизимли ишлар олиб борилмоқда. Жумладан, шу йилнинг ортда қолган даврида 1 397 та объектда қурилиш-монтаж ишлари олиб борилди. Йил бошидан буён 143 та янги объект рўйхатга олиниб, уларда 1 008 та мониторинг-назорат тадбири ўтказилди. Шунингдек, 463 та объект фойдаланишга топширилди. Амалдаги қурилиш майдонларида эса жами 13 602 та назорат тадбири амалга оширилди. Ўрганишлар давомида аниқланган камчиликлар бўйича қурилиш иштирокчиларига 7 661 та ёзма кўрсатмалар берилди. Уларни белгиланган муддатда бажармаганларга нисбатан 84 та ҳолатда маъмурий жарима қўлланилди. Жиноят аломатлари мавжуд бўлган 4 та ҳолат юзасидан ҳужжатлар ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларга юборилди. Инсонлар ҳаёти ва саломатлигига хавф туғдириши мумкин бўлган нуқсонлар сабаб 10 дан ортиқ ҳолатда қурилиш-монтаж ишлари вақтинча тўхтатилди.



– Назоратнинг асосий мақсади – кимнидир жазолаш эмас, балки қурилишда қонунчилик талабларига риоя этилишини таъминлаш, нуқсонларни ўз вақтида аниқлаш ва уларнинг оғир оқибатларга олиб келишининг олдини олишдир, – деди вилоят ҳудудий инспекцияси бошлиғи Дилмуроджон Султонов. – Бугун бартараф этилган кичик бир камчилик эртага катта муаммонинг олдини олиши мумкин. Айниқса, аҳоли истиқомат қиладиган кўп қаватли уйлар, ижтимоий соҳа объектлари ва бошқа иншоотларда хавфсизлик талабларига бепарво қарашга асло йўл қўйиб бўлмайди.

Дарҳақиқат, қурилишда масъулият фақат давлат назорати органларининг зиммасида эмас. Буюртмачи, пудратчи, лойиҳачи ташкилотлар, техник ва муаллифлик назорати мутахассислари ҳам ўз вазифасини сидқидилдан бажариши шарт. Чунки, ҳар бир босқичдаги эътиборсизлик кейинчалик жиддий нуқсонга айланиши, ҳатто инсонлар ҳаётига хавф туғдириши мумкин.

Бугунга қадар инспекциянинг 12 нафар инспектори томонидан 7 661 та қоидабузарлик ҳолати аниқланган. Шу билан бирга, буюртмачиларнинг техник назоратчилари ва лойиҳачи ташкилотларнинг муаллифлик назорати масъуллари томонидан 1 856 та камчилик қайд этилган. Бу эса қурилиш майдонларида ички назорат ва мутахассислар масъулиятини янада ошириш зарурлигини кўрсатади.

Сифатли қурилиш, энг аввало, ишончли материаллардан бошланади. Шу мақсадда сифатсиз қурилиш маҳсулотларидан фойдаланиш ҳолатлари юзасидан ишлаб чиқарувчиларга 35 та тақдимнома киритилди. Техник, муаллифлик ва ички назорат учун масъул шахслар фаолияти бўйича 84 та тақдимнома юборилди. Лойиҳалаш, экспертиза ҳамда шаҳарсозлик ҳужжатлари билан боғлиқ лицензия ва рухсатномаларни бекор қилиш масаласида 22 та ҳолат кўриб чиқилиб, ваколатли идораларга мурожаат қилинди. Сифатсиз бажарилган қурилиш-монтаж ишларининг 82 та ҳолатида буздириш чоралари кўрилди.

Бундай ёндашувнинг замирида бир ҳақиқат бор: инсонлар ҳаёти ва саломатлиги билан боғлиқ масалада муросага ўрин йўқ. Айниқса, аҳоли маблағи, давлат бюджети ҳисобидан барпо этилаётган иншоотларда сифат талабларининг бузилишига йўл қўйиб бўлмайди.

Бугунги бунёдкорлик ишларининг самараси, фақат, фойдаланишга топширилган бинолар сони билан эмас, балки уларнинг одамлар ҳаётидаги ўрни, ишончлилиги ва узоқ йиллар давомида хизмат қилиши билан баҳоланиши керак. Бу эса барча қурилиш иштирокчиларидан ҳалол меҳнат, профессионал ёндашув ва юксак масъулиятни талаб этади. Зеро ҳар бир бинонинг пойдевори мустаҳкам бўлганидек, қурилиш соҳасидаги ислоҳотларнинг ҳам пойдевори сифат, қонунийлик ва масъулиятдир. Энг муҳими, бунёд этилаётган ҳар бир иншоот инсонлар ишончига муносиб бўлсин.

Қурилиш соҳасида қонунийликни таъминлаш, кўп квартирали уй-жойлар қурилишида белгиланган талаб ва меъёрларга риоя этилишини назорат қилиш ҳамда фуқароларнинг ҳаёти ва мол-мулкини ҳимоялаш давлат сиёсатининг устувор йўналишларидан бири ҳисобланади. Шу мақсадда қонунчиликка киритилган янги ўзгартиришлар қурилиш жараёнларида давлат назоратини такомиллаштириш, рухсат бериш тартиб-таомилларига риоя этилишини таъминлаш ва белгиланган талабларни бузганлик учун жавобгарлик чораларини кучайтиришга қаратилган.

Рухсатномасиз кўп квартирали уй қуриш учун жавобгарлик белгиланди

Дурдона ЭЛМУРОДОВА,
Қашқадарё вилояти Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги соҳасида ҳудудий назорат қилиш инспекцияси матбуот котиби.



2026 йил 28 сентябрда қабул қилинган ЎРҚ–1179-сон Қонун билан қурилиш соҳасида давлат назорати ва бошқарувини янада такомиллаштиришга қаратилган бир қатор ўзгартириш ва қўшимчалар киритилди. Мазкур қонунчилик ҳужжати қурилиш фаолиятини белгиланган тартиблар асосда ташкил этиш, қурилиш-монтаж ишларини бошлашда тегишли рухсатномалар мавжудлигини таъминлаш ҳамда қонунбузилиш ҳолатларининг олдини олиш борасидаги талабларни мустаҳкамлашда муҳим аҳамият касб этади.

Қурилиш соҳаси мамлакатнинг иқтисодий ва ижтимоий ривожланишида муҳим ўрин тутади. Аҳоли сонининг ортиши, янги турар жойларга бўлган талабнинг ошиши ва замонавий инфратузилма объектларининг барпо этилиши қурилиш жараёнларида хавфсизлик, сифат ва қонунийлик талабларига қатъий риоя этишни тақазо этади. Айниқса, кўп квартирали турар жой биноларини қуришда лойиҳавий ечимлар, қурилиш меъёрлари, техник талаблар ва тегишли рухсат бериш тартибларига амал қилиниши алоҳида аҳамиятга эга. Чунки мазкур талаблар биноларнинг мустаҳкамлиги, ишончлилиги ва улардан хавфсиз фойдаланиш учун зарур шарт-шароитларни яратишга хизмат қилади. Хусусан, “Лицензиялаш, рухсат бериш ва хабардор қилиш тартиб-таомиллари тўғрисида”ги Қонунга киритилган ўзгартиришларга мувофиқ, қурилиш-монтаж ишларини бошлаш учун Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги соҳасида назорат қилиш ҳудудий инспекцияларидан тегишли рухсатнома олиш талаби белгиланди.

Мазкур талаб қурилиш жараёнларининг қонуний асосда ташкил этилиши, объектларда қурилиш ишларини белгиланган тартибда бошлаш ҳамда давлат назорати механизмларининг самарадорлигини оширишга қаратилган. Қурилиш ишларини бошлашдан олдин қонунчиликда белгиланган тартиб-таомилларни бажариш қурувчи ва буюртмачиларнинг муҳим мажбуриятларидан биридир. Тегишли рухсатномаларнинг мавжудлиги қурилиш фаолиятини тартибга солиш, ваколатли органлар томонидан назоратни амалга ошириш ҳамда белгиланган талабларга риоя этилишини таъминлашда муҳим ўрин тутади.

Шу боис қурилиш фаолиятини амалга оширувчи тадбиркорлик субъектлари, буюртмачилар ва бошқа масъул иштирокчилар қонунчиликда белгиланган талабларни олдиндан ўрганиши, зарур ҳужжатларни расмийлаштириши ва қурилиш ишларини тегишли рухсатнома олинганидан кейингина бошлаши лозим.

Қонунчиликка киритилган муҳим ўзгартиришлардан яна бири – кўп квартирали уйларни тегишли рухсатномасиз қурганлик учун жиноий жавобгарлик чораларининг белгиланганидир. Жиноят кодексига киритилган ўзгартиришларга кўра, кўп квартирали уйларни Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги соҳасида назорат қилиш инспекцияларининг тегишли рухсатномасисиз қуриш, агар бундай ҳаракат учун аввал маъмурий жазо қўлланилганидан кейин яна содир этилса, уч йилдан беш йилгача озодликдан маҳрум этиш билан жазоланиши белгиланди.

Ушбу норма қурилиш соҳасидаги қонунбузилишларга нисбатан жавобгарликнинг кучайтирилаётганини англатади. Хусусан, маъмурий жазо қўлланилганидан кейин ҳам белгиланган талабларни бузишда давом этиш эндиликда жиноий жавобгарликка сабаб бўлиши мумкин. Мазкур ёндашувнинг асосий мақсади – фақат ҳуқуқбузарлик содир этилганидан кейин жазо қўллаш билан чекланиб қолмасдан, бундай ҳолатларнинг олдини олиш, қурилиш иштирокчиларининг қонуний талабларига масъулият билан ёндашишини таъминлашдан иборат. Шу билан бирга, қонунчиликда белгиланган жавобгарлик чораларининг кучайтирилиши қурилиш фаолиятида шаффофликни таъминлаш, рухсат бериш тартибларига риоя этиш ва ваколатли давлат органларининг назорат фаолияти самарадорлигини оширишга хизмат қилади.

Қурилиш соҳасида қонунийликни таъминлашда яна бир муҳим жиҳат – шаҳарсозлик тўғрисидаги қонунчилик талабларига риоя этишдир. Киритилган ўзгартиришларга мувофиқ, шаҳарсозлик тўғрисидаги қонунчиликни бузиш одам ўлимига ёки бошқа оғир оқибатларга сабаб бўлса, беш йилдан етти йилгача озодликдан маҳрум қилиш жазоси белгиланди. Мазкур норма қурилиш жараёнларида хавфсизлик талабларига риоя этишнинг нақадар муҳимлигини кўрсатади.

Шаҳарсозлик қонунчилиги талабларининг бузилиши, айниқса, қурилиш объектларининг хавфсизлигига таъсир кўрсатадиган ҳолатлар инсон ҳаёти ва соғлиғи учун жиддий хавф туғдириши мумкин. Шу сабабли қурилиш жараёнининг барча босқичларида белгиланган талабларни бажариш, масъул мутахассисларнинг вазифаларига масъулият билан ёндашиши ва ваколатли органлар томонидан назорат тадбирларининг самарали ташкил этилиши муҳим ҳисобланади.

Қурилиш объектларида хавфсизликни таъминлаш фақат назорат органларининг вазифаси эмас. Бу жараёнда буюртмачилар, қурувчилар, лойиҳа ташкилотлари, техник ва муаллифлик назорати вакиллари ҳам ўз ваколатлари доирасида масъулият билан фаолият юритиши лозим. Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги соҳасида назорат қилиш ҳудудий инспекциялари томонидан амалга ошириладиган назорат тадбирлари қурилиш жараёнларида қонунчилик талабларига риоя этилишини таъминлаш, аниқланган қонунбузилишларни бартараф этиш ҳамда келгусида уларнинг олдини олишда муҳим аҳамиятга эга.

Фуқаролар учун ҳам янги турар жой харид қилиш жараёнида қурилиш объектининг қонуний асосда барпо этилаётгани, зарур ҳужжатлари мавжудлиги ва қурилиш ишлари белгиланган тартибда олиб борилаётганига эътибор қаратиш муҳимдир. ЎРҚ–1179-сон Қонун расмий эълон қилинган кундан эътиборан уч ой ўтгач кучга кириши белгиланган. Шу сабабли қурилиш соҳаси иштирокчилари қонунчиликдаги янги талаблар билан танишиб чиқиши ва уларнинг ижросини таъминлашга тайёргарлик кўриши лозим.

Хулоса қилиб айтганда, қурилиш соҳасида давлат назоратини кучайтириш, тегишли рухсатномасиз кўп квартирали уйлар қурилишининг олдини олиш ва қонунбузилишлар учун жавобгарликни белгилаш, аввало, инсон ҳаёти ва соғлиғини ҳимоя қилиш, турар жойлар хавфсизлигини таъминлаш ҳамда шаҳарсозлик соҳасида қонун устуворлигини мустаҳкамлашга қаратилган.

Ҳар бир қурилиш объекти қонунийлик, хавфсизлик ва белгиланган талабларга риоя этиш тамойиллари асосида барпо этилиши лозим. Зеро, сифатли ва хавфсиз қурилиш — аҳоли фаровонлиги ҳамда ҳудудларнинг барқарор ривожланишининг муҳим омилидир.

Сув тармоқларига ўзбошимчалик билан уланишнинг оқибати ёмон

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги соҳасида назорат қилиш инспекциясига ичимлик суви таъминоти ва оқова сувларни чиқариб юбориш соҳасида ичимлик сувини самарали ишлаб чиқариш, етказиб бериш, реализация қилиш, ичимлик сувидан оқилона фойдаланиш каби вазифалар юклатилган. Шунингдек, оқова сувларни чиқариб юбориш ва тозалаш бўйича хизмат кўрсатиш соҳасида техник жиҳатдан тартибга солишда норматив ҳужжатлар ҳамда бошқа қонунчилик ҳужжатлари талабларига риоя этилишини назорат қилиш ҳам инспекция вазифаларига киради.

Бектияр АЙТБАЕВ,
Тошкент шаҳар Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги соҳасида ҳудудий назорат қилиш инспекцияси шуъба бошлиғи.

Жумладан, ичимлик суви таъминоти ва оқова сувларни чиқариб юбориш тизимларига уланишда техник шартлар талабларига риоя этилишини назорат қилиш, аниқланган қонунбузарликлар бўйича маъмурий баённомалар тузиш ва белгиланган тартибда молиявий санкциялар қўллаш вазифаси шулар жумласидандир.

Ичимлик сув ва оқова сув (канализация) тармоқларига уланиш учун техник шарт –марказлаштирилган коммунал ичимлик суви ва оқова сув тармоқларига уланиш учун сув таъминоти ташкилоти томонидан қонунчиликка мувофиқ бериладиган рухсатнома ҳисобланади. Бу – объектни марказий сув таъминоти тизимига хавфсиз ва қонуний уланишини таъминлаш учун зарур бўлган техник талаблар, уланиш нуқтаси, сув босими ва қувурларнинг ҳажми кўрсатилган расмий ҳужжатдир.

Техник шартсиз сув тармоғига уланиш ноқонуний (ўзбошимчалик) ҳисобланади. Техник шартлар “Ўзсувтаъминот” АЖнинг ҳудудий сув таъминоти корхоналари томонидан берилади. Бироқ, фуқаролар ва тадбиркорлар техник шарт олиш учун тўғридан-тўғри сув корхонасига бормайдилар. Бутун жараён рақамлаштирилган бўлиб, Давлат хизматлари марказига шахсан борган ҳолда ва Ягона интерактив давлат хизматлари порталида (my.gov.uz) – уйдан чиқмаган ҳолда онлайн тарзда мурожаат қилинади.

Техник шартлар олингандан сўнг, улар асосида лойиҳа ҳужжатлари тайёрланади, сув таъминоти корхонаси ёки лицензияга эга ташкилот қувурларни уланиш нуқтасигача тортади, ҳисоблагич ўрнатилиб, сув корхонаси вакили томонидан тамғаланади (пломбаланади) ва сувдан фойдаланиш бўйича икки томонлама шартнома тузилади.

Тошкент шаҳар қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги соҳасида ҳудудий назорат қилиш инспекцияси томонидан ушбу вазифалар ижроси юзасидан мунтазам равишда истеъмолчиларнинг техник шартлар талабларига риоя этилиши юзасидан текширишлар олиб борилмоқда. Текширувлар давомида аниқланган қонунбузарликлар, ноқонуний истеъмол ҳолатлари бўйича маъмурий баённомалар тузилиб, белгиланган тартибда молиявий санкциялар қўлланиляпти. Жумладан, 2025 йилда 434 та истеъмолчига берилган техник шартлар ўрганилиб, 51 та ҳолатда техник шартлар талабларига амал қилинмаганлиги аниқланди. Шунингдек, 2026 йилнинг ўтган даврида 384 та истеъмолчига берилган техник шартлар ўрганилиб, 55 та ҳолатда талабларга амал қилинмаганлиги аниқланди ҳамда 230 миллион сўмлик маъмурий жарималар қўлланилди.

Шунингдек, ҳудудий инспекция томонидан сувдан оқилона фойдаланиш, ичимлик суви ва оқова сув тармоқларига ўзбошимчалик билан уланишни аниқлаш, ичимлик суви таъминоти ва оқова сувларни чиқариб юбориш тармоқларидаги ва бошқа иншоотлардаги авариялар нинг бартараф этилиши ҳам доимий назоратда.

Айни пайтда ичимлик суви таъминоти ва оқова сувларни чиқариб юбориш соҳасида хизмат кўрсатиш қоидаларига амал қилиниши, ҳисоблаш ускуналари ишлашини назорат қилиш, сув таъминоти ташкилотлари томонидан аҳолига етказиб берилаётган ичимлик сувининг сифати, стандартлар ва белгиланган талабларга жавоб бериши устидан назоратни мувофиқлаштириш юзасидан самарали ишлар олиб борилмоқда.

“Zamonaviy realtor xizmati” МЧЖ

бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган электрон-онлайн очиқ аукцион савдога таклиф этади!

Аукцион савдога қуйидаги мулклар қўйилмоқда:

1. Фарғона туманлараро иқтисодий судининг 2026 йил 5 мартдаги 4-1504-2501/4156-сонли ишининг ҳал қилув қарори ва “Янги Давр Файзи” ф/х Суд тугатиш бошқарувчисининг 2026 йил 5 ноябрдаги 626-сонли алоқа хатига асосан, Фарғона вилояти, Ёзёвон тумани, “Янгиобод” ҚФЙ ҳудудида жойлашган пахта ғалла етиштириш асосида ижарага фойдаланиш учун берилган 54,13 Га ер майдонини фермер хўжалиги сифатида ердан фойдаланиш ҳуқуқи. **Бошланғич баҳоси** – 1 032 290 031,00 сўм.

2. Фарғона туманлараро иқтисодий судининг 2026 йил 6 мартдаги 4-1504-2502/4159-сонли ишининг ҳал қилув қарори ва “Фар Бештол” ф/х Суд тугатиш бошқарувчисининг 2026 йил 5 ноябрдаги 627-сонли алоқа хатига асосан, Фарғона вилояти, Ёзёвон тумани, Қаротол кўчаси ҳудудида жойлашган пахта ғалла етиштириш асосида ижарага фойдаланиш учун берилган 76,68 Га ер майдонини фермер хўжалиги сифатида ердан фойдаланиш ҳуқуқи. **Бошланғич баҳоси** – 1 473 450 017,00 сўм.

3. Фарғона туманлараро иқтисодий судининг 2026 йил 5 мартдаги 4-1504-2501/ 13948-сонли ишининг ҳал қилув қарори ва “Шижоатли порлоқ замини” ф/х Суд тугатиш бошқарувчисининг 2026 йил 5 ноябрдаги 628-сонли алоқа хатига асосан, Фарғона вилояти, Ёзёвон тумани, “Хонобод” ҚФЙ ҳудудида жойлашган пахта ғалла етиштириш асосида ижарага фойдаланиш учун берилган 63,00 Га ер майдонини фермер хўжалиги сифатида ердан фойдаланиш ҳуқуқи. **Бошланғич баҳоси** – 1 283 040 000,00 сўм.

Аукцион савдо 2026 йил 15 декабрь куни online-mulk.uz платформасида бўлиб ўтади. **Аризаларни рўйхатдан ўтказиш муддати:** 2026 йил 14 декабрь куни соат 18.00 гача.

Юқоридаги кўчмас мулк 2026 йил 15 декабрь куни сотилмаган тақдирда, кредиторларнинг йиғилиш қарорига асосан 15 кунлик қисқартирилган кун билан такрорий савдоларга қўйиб борилади. Такрорий савдолар учун аризаларни қабул қилишнинг охирги муддати савдо кунидан бир кун олдин соат 18.00 гача.

Талабгорлар юқоридаги мулкнинг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдорда закалат пулини “Zamonaviy realtor xizmati” МЧЖнинг қуйидаги ҳисоб рақамига электрон-онлайн аукцион савдода рўйхатдан ўтиб тўлашлари лозим: 2020 8000 9057 4042 7002 ХАТБ “DAVR BANK” Олмазор филиали МФО 01121 СТИР 311 041 441.

Савдо ташкилотчиси жойлашган манзил: Фарғона вилояти Фарғона шаҳри, Г. Фармонов кўчаси, 13-уй.

Телефон: 90-407-07-62, 94-130-17-33.

“Zamonaviy realtor xizmati” МЧЖ

бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган электрон-онлайн очиқ аукцион савдога таклиф этади!

Аукцион савдога Фарғона туманлараро иқтисодий судининг 2026 йил 22 майдаги 4-1501-2606/7146-сонли ишининг ҳал қилув қарори ва “Хасан Хусан нурли замини” Ф/Х Суд тугатиш бошқарувчисининг 2026 йил 10 ноябрдаги 7146/44-сонли хатига асосан, Фарғона вилояти Олтиариқ тумани, Ўзбекистон массивида жойлашган, **21,8 Га қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ер майдонини ижара ҳуқуқи қиймати ва 7 781 дона ҳар хил мевали кўчатлари. Бошланғич баҳоси** – 1 667 685 170,00 сўм.

Аукцион савдо 2026 йил 15 декабрь куни online-mulk.uz платформасида бўлиб ўтади. **Аризаларни рўйхатдан ўтказиш муддати:** 2026 йил 14 декабрь куни соат 18.00 гача.

Юқоридаги кўчмас мулк 2026 йил 15 декабрь куни сотилмаган тақдирда, кредиторларнинг йиғилиш қарорига асосан 15 кунлик қисқартирилган кун билан такрорий савдоларга қўйиб борилади. Такрорий савдолар учун аризаларни қабул қилишнинг охирги муддати савдо санасидан бир кун олдин соат 18.00 гача.

Талабгорлар юқоридаги мулкнинг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдорда закалат пулини “Zamonaviy realtor xizmati” МЧЖнинг қуйидаги ҳисоб рақамига электрон-онлайн аукцион савдода рўйхатдан ўтиб тўлашлари лозим: 2020 8000 9057 4042 7002 ХАТБ “DAVR BANK” Олмазор филиали МФО 01121 СТИР 311 041 441.

Савдо ташкилотчиси жойлашган манзил: Фарғона вилояти Фарғона шаҳри, Г. Фармонов кўчаси, 13-уй.

Телефон: 90-407-07-62.

Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси томонидан Марказий аппаратнинг Жамоатчилик фикрини ўрганиш, телерейтинг таҳлили ва мониторинг бошқармаси бош мутахассиси **Шарипов Шахзод Иноятулло ўғли номи**га берилган 138-сонли вақтинчалик рухсатнома ҳужжати йўқолгани сабабли **бекор қилинди**.

“Respublika mulk markazi” МЧЖ

бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ электрон-онлайн аукцион савдога таклиф этади!

Аукцион савдога қуйидаги мулклар қўйилмоқда:

1. Фарғона туманлараро иқтисодий судининг 2026 йил 17 июлдаги 4-1501-2610/11509-сонли ҳал қилув қарори ва “Vodiy sadosi porloq” МЧЖ Суд тугатиш бошқарувчисининг 2026 йил 30 октябрдаги 11600/44-сонли алоқа хатига асосан, Фарғона вилояти Учкўприк тумани, “Саркўрғон” МФЙ, Саркўрғон қишлоғи манзилида жойлашган “Vodiy sadosi porloq” МЧЖга тегишли бўлган **4 номдаги асосий воситалар (музлатгич) мулкий мажмуа. Бошланғич баҳоси** – 681 679 121,00 сўм.

2. Марғилон туманлараро иқтисодий судининг 2025 йил 19 сентябрдаги 4-1504-2502/ 11842-сонли ҳал қилув қарори ва “Agro impex valley marketing” МЧЖ Суд тугатиш бошқарувчисининг 2026 йил 11 ноябрдаги 11842/78-сонли алоқа хатига асосан, Фарғона вилояти Тошлоқ тумани, “Қўрғонча” МФЙ, Муҳандис кўчаси, 214-уй манзилида жойлашгн “Agro impex valley marketing” МЧЖга тегишли бўлган **36 номдаги 2 291 дона асосий восита (тўқимачилик дастгоҳ)лари. Бошланғич баҳоси** – 24 689 889 956,00 сўм.

Аукцион савдо 2026 йил 14 декабрь куни online-auksion.uz платформасида бўлиб ўтади. **Аризаларни рўйхатдан ўтказиш муддати:** 2026 йил 11 декабрь куни соат 18.00 гача.

Юқоридаги мулклар 2026 йил 14 декабрь куни сотилмаган тақдирда, кредиторларнинг йиғилиш қарорига асосан 15 кунлик қисқартирилган кун билан нархи 10 фоизга камайтирилган нархлар билан такрорий савдоларга қўйиб борилади. Такрорий савдолар учун аризаларни қабул қилишнинг охирги муддати савдо санасидан бир кун олдин соат 18.00 гача.

Талабгорлар юқоридаги мулкларнинг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдорда закалат пулини “Respublika mulk markazi” МЧЖ Фарғона филиалининг қуйидаги ҳисоб рақамига электрон-онлайн аукцион савдода рўйхатдан ўтиб тўлашлари лозим: 2020 8000 5005 7145 2010 ХАТБ “DAVR BANK” Олмазор филиали МФО 01121 СТИР 200 933 850.

Савдо ташкилотчиси жойлашган манзил: Фарғона вилояти Фарғона шаҳри, Г. Фармонов кўчаси, 13-уй.

Телефон: 90-407-07-62.

Туғилган кунингиз муборак бўлсин!

2026 йил 13 – 19 ноябрь саналарида таваллуд айёмларини нишонлайдиган

Ўзбекистон Республикаси Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирлиги раҳбар котибаси **Марҳабо Умарова,**

Shaharsozlik hujjatlarini ekspertiza qilish Respublika markazi” ДМ бухгалтерия бош мутахассиси **Арислан Джаксимов,** Смета ва қурилишни ташкил этиш бўйича етакчи мутахассис **Жавоҳир Рўзиев,**

Техник меъёрлаш ва стандартлаштириш илмий-тадқиқот институти етакчи мутахассислари **Шаҳноза Набиева, Муҳриддин Собиров,**

“Коммунал лойиҳа илмий-тадқиқот институти” ДМ лойиҳа бош муҳандиси **Фарҳод Гулямов,** етакчи муҳандис **Махсуд Холмуродов,** “Навоий” филиали директори **Жамшид Рустамов,**

“Ўзоғирсаноатлойиҳа” АЖ ССИКС етакчи мутахассиси **Юрий Рубченко,** етакчи муҳандис **Марҳамат Рўзиева,**

“O'zshaharsozlik LITI” ДМ Шаҳарсозлик ҳужжатларини ишлаб чиқиш бошқармаси 9-устахонаси 1-тоифали муҳандиси **Камила Хусаинова,** 10-устахонаси 1-тоифали муҳандиси **Улуғбек Тошматов,** “Навоий” филиали директори **Ойбек Очилов,**

Қорақалпоғистон Республикаси Тўрткўл тумани қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги бўлими архитектура ва қурилиш соҳаси бўйича бош мутахассиси **Улуғбек Сейтимбетов,** Давлат хизматларини кўрсатиш бўлими етакчи мутахассиси **Алибек Кунградбаев,**

Андижон вилояти Балиқчи тумани қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги бўлими архитектура ва қурилиш соҳаси бўйича бош мутахассиси **Ботиржон Умаров,**

Қашқадарё вилояти Шаҳрисабз шаҳар қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги бўлими бош мутахассиси **Фаррух Саидов,** Муборак тумани қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги бўлими бошлиғи **Шокир Бўронов,**

“Иссиқликтаъминоти” АЖ бошқарув раиси ўринбосари **Алижон Ҳикматов,** Иссиқлик таъминоти тизимларини эксплуатация қилиш бошқармаси бош мутахассиси **Ирина Исаева,** оператор **Жамшид Ғафуров,** Самарқанд вилояти филиали етакчи мутахассиси **Шаҳло Исамиддинова,** Фарғона вилояти Қиргули филиали чилангари **Рибалко Андрей,** Тошкент вилояти Бўстонлиқ тумани филиали катта назоратчи-ҳисобга олувчиси **Ҳабиба Турсунова,** Қибрай тумани филиали электргазпайвандчиси **Алишер Бойматов,** Нурафшон шаҳар филиали электргайзпайвандчи **Ёдгор Мусурмонов,** Янгийўл шаҳар филиали қозонхонага хизмат кўрсатиш бўйича чилангар **Нодир Бекназаров,** ДПО қозонхона қоровули **Илҳомжон Ахунов,** Фаровон қозонхона қоровули **Жаҳонгир Алимходжаев,**

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги соҳасида назорат қилиш инспекцияси Буюртмачилар билан ишлашни мувофиқлаштириш бўлими бошлиғи **Улуғбек Жўрақулов,** Қорақалпоғистон Республикаси Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги соҳасида ҳудудий назорат қилиш инспекцияси етакчи мутахассислари **Анвар Отегенов, Акмал Юлдашев,** хўжалик мудири **Маҳмуд Алламбергенов,** бош мутахассис **Бердимурат Ўразбаев,** Қашқадарё вилояти Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги соҳасида ҳудудий назорат қилиш инспекцияси бош мутахассислари **Сардор Умарқулов, Суннатилло Файзуллаев,** мутахассис **Наимжон Тошпўлатов,** Самарқанд вилояти Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги соҳасида ҳудудий назорат қилиш инспекцияси бўлим бошлиғи **Шоҳруҳ Раҳматов,**

Қорақалпоғистон Республикаси Қўнғирот туманидаги “Qong'irat Uy-Jay Xizmet” БСК МЧЖ бош директори **Бахыт Джуманиязова,** Бухоро вилояти Олот туманидаги “Отабек Ойдина Равнақи” БСК МЧЖ бош директори **Элбек Ўринов,** Жиззах вилояти Зомин туманидаги “Kamronbek Finans Stroy” БСК МЧЖ бош директори **Шаҳло Қўшназарова,** Қашқадарё вилояти Қарши шаҳридаги “Янги Ойдин” БСК МЧЖ бош директори **Дилара Дўстбобаева,** Сирдарё вилояти Гулистон шаҳридаги “Комила Гранд Хоусе” БСК МЧЖ бош директори **Муқаддас Сарибоева,** Тошкент шаҳар Чилонзор туманидаги “Тоза туман” БСК МЧЖ бош директори **Алишер Мирюнусов**ларни таваллуд куни билан чин дилдан муборакбод этамиз.

Уларга сиҳат-саломатлик, узоқ умр, оилавий хотиржамлик, мустаҳкам соғлиқ тилаймиз!

Бизни кузатиб боринг!
uzbunyodkor.uz
info@uzbunyodkor.uz
uzbunyodkor
t.me/uzbunyodkor
uzbunyodkor
qurilish.today

“Respublika mulk markazi” МЧЖ “Poytaxt filiali”

бошланғич баҳоси ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдога таклиф этади!

Савдога “Lombard Shokir invest” МЧЖнинг 2026 йил 11 ноябрдаги 121-сонли ариза буюртманомаси ҳамда Тошкент шаҳар Мирзо Улуғбек туманидаги хусусий нотариал идоранинг 2026 йил 27 октябрдаги ижро хатларига асосан ундурувга қаратилган, Тошкент шаҳар, Мирзо Улуғбек тумани, ТТЗ-2, 51-уй, 10-хонадон манзилида сақланаётган қуйидаги заргарлик буюмлари аукцион савдога қўйилмоқда:

№	Гаров патта рақами	Заргарлик буюмлар номи	Бошланғич баҳоси, сўмда
1.	15663	Узук 3 дона, у.о. 8,18 гр., с.о. 8,18 гр., пр. 585	8 238 415,00
2.	17296	Узук 2 дона, у.о. 8,92 гр., с.о. 8,62 гр., пр. 585	6 913 557,60
3.	17307	Узук 1 дона, у.о. 2,17 гр., с.о. 1,77 гр., пр. 585	1 756 070,98
4.	17380	Сирға 1 жуфт, сирға жуфтсиз 1 дона, узук 5 дона нуқсонли, у.о. 19,74 гр., с.о. 18,20 гр., пр. 585	14 978 512,64
5.	17490	Колье 1 дона, у.о. 1,83 гр., с.о. 1,73 гр., пр. 585	1 768 488,32
6.	17491	Узук 1 дона нуқсонли, у.о. 1,67 гр., с.о. 1,67 гр., пр. 585	1 703 008,00
7.	17965	Узук 1 дона, у.о. 5,30 гр., с.о. 4,80 гр., пр. 585	5 192 760,00
8.	18796	Узук 2 дона, сирға 1 жуфт, у.о. 6,01 гр., с.о. 5,90 гр., пр. 585	6 292 755,04
9.	18940	Узук 1 дона, у.о. 3,73 гр., с.о. 3,73 гр., пр. 585	3 867 007,34
10.	19079	Занжир 1 дона, у.о. 7,16 гр., с.о. 7,16 гр., пр. 585	7 241 555,10
11.	19209	Сирға 1 жуфт, у.о. 0,94 гр., с.о. 0,54 гр., пр. 585	663 920,00
12.	19265	Узук 1 дона, у.о. 1,99 гр., с.о. 1,79 гр., пр. 585	2 033 256,99
13.	19528	Кулон 1 дона, занжир 1 дона, у.о. 6,44 гр., с.о. 6,44 гр., пр. 585	7 010 356,00
14.	19858	Сирға 1 жуфт, у.о. 8,36 гр., с.о. 6,36 гр., пр. 585	6 892 412,24
15.	20120	Колье 1 дона, билагузук 2 дона, у.о. 17,16 гр., с.о. 17,16 гр., пр. 585	19 715 550,00
16.	20296	Узук 1 дона, сирға 1 жуфт, у.о. 6,64 гр., с.о. 6,14 гр., пр. 585	7 035 000,00
17.	20356	Сирға 1 жуфт, у.о. 12,67 гр., с.о. 5,67 гр., пр. 585	6 928 950,00
18.	20446	Колье 1 дона, билагузук 1 дона, у.о. 9,15 гр., с.о. 9,15 гр., пр. 585	11 155 800,00
19.	20462	Сирға 1 жуфт, у.о. 2,29 гр., с.о. 2,29 гр., пр. 585	2 629 380,00
20.	20486	Сирға 1 жуфт, у.о. 3,89 гр., с.о. 3,49 гр., пр. 585	4 308 000,00
21.	20775	Занжир 1 дона, у.о. 5,06 гр., с.о. 5,06 гр., пр. 585	5 269 996,72
22.	20799	Узук 4 дона, у.о. 13,38 гр., с.о. 13,08 гр., пр. 585	15 216 000,00
23.	20803	Колье 1 дона, билагузук 1 дона, у.о. 13,92 гр., с.о. 12,22 гр., пр. 585	14 610 000,00
24.	20905	Узук 2 дона нуқсонли, у.о. 4,57 гр., с.о. 4,40 гр., пр. 585	4 762 500,00
25.	20950	Занжир 1 дона, узук 4 дона нуқсонли, сирға 2 жуфт, у.о. 20,22 гр., с.о. 20,22 гр., пр. 585	27 487 500,00
26.	21005	Узук 3 дона, сирға 1 жуфт, у.о. 17,48 гр., с.о. 16,28 гр., пр. 585	19 912 500,00
27.	21055	Узук 1 дона, у.о. 1,62 гр., с.о. 1,62 гр., пр. 585	2 035 500,00
28.	21059	Узук 1 дона, сирға 1 жуфт, у.о. 5,45 гр., с.о. 5,15 гр., пр. 585	5 543 047,39
29.	21076	Сирға 1 жуфт, у.о. 1,21 гр., с.о. 1,00 гр., пр. 585	1 353 750,00
30.	21133	Узук 2 дона, у.о. 7,84 гр., с.о. 7,60 гр., пр. 585	9 208 156,40
31.	21176	Билагузук 1 дона нуқсонли, сирға 1 жуфт, у.о. 6,89 гр., с.о. 6,09 гр., пр. 585	8 247 000,00
32.	21195	Узук 2 дона, у.о. 4,91 гр., с.о. 4,91 гр., пр. 585	6 429 000,00
33.	21240	Узук ва сирға 1 тўплам, у.о. 5,26 гр., с.о. 4,26 гр., пр. 585	5 550 300,00
34.	21305	Сирға 1 жуфт, узук ва сирға 1 тўплам, у.о. 20,87 гр., с.о. 16,97 гр., пр. 585	21 276 000,00
35.	21324	Сирға 1 жуфт, у.о. 2,58 гр., с.о. 1,98 гр., пр. 585	2 611 200,00
36.	21335	Узук 1 дона, у.о. 2,87 гр., с.о. 2,67 гр., пр. 585	3 505 050,00
37.	21347	Занжир 1 дона, у.о. 11,48 гр., с.о. 11,48 гр., пр. 585	15 216 000,00
38.	21378	Занжир 1 дона, у.о. 9,07 гр., с.о. 9,07 гр., пр. 585	9 671 100,00
39.	21422	Билагузук 2 дона, кулон1 дона, занжир 2 дона, узук 1 дона, сирға 1 жуфт, у.о. 27,43 гр., с.о. 25,73 гр., пр. 585	28 472 250,00
40.	21434	Занжир 1 дона, билагузук 1 дона, у.о. 20,89 гр., с.о. 20,89 гр., пр. 585	26 957 250,00
41.	21435	Занжир 1 дона, кулон 1 дона, билагузук 1 дона нуқсонли, у.о. 9,66 гр., с.о. 9,66 гр., пр. 585	12 489 000,00
42.	21461	Узук 2 дона нуқсонли, у.о. 4,41 гр., с.о. 4,21 гр., пр. 585	5 368 500,00
43.	21490	Сирға 1 жуфт, у.о. 7,34 гр., с.о. 6,84 гр., пр. 585	8 070 371,20
44.	21502	Узук 1 дона, у.о. 1,31 гр., с.о. 1,01 гр., пр. 585	1 353 750,00
45.	21556	Узук 2 дона, сирға 1 жуфт, у.о. 8,48 гр., с.о. 8,18 гр., пр. 585	10 595 250,00
46.	21586	Сирға 1 жуфт, у.о. 2,57 гр., с.о. 2,00 гр., пр. 585	2 641 500,00
47.	21593	Занжир 1 дона, у.о. 10,53 гр., с.о. 10,53 гр., пр. 585	13 095 000,00
48.	21610	Занжир 1 дона, узук 4 дона, сирға 1 жуфт, у.о. 15,98 гр., с.о. 14,98 гр., пр. 585	19 761 000,00
49.	21731	Узук 1 дона, у.о. 5,50 гр., с.о. 5,00 гр., пр. 750	28 472 250,00
50.	21758	Узук 1 дона, у.о. 1,54 гр., с.о. 1,54 гр., пр. 585	1 581 000,00
51.	21883	Узук 1 дона, сирға жуфтсиз 1 дона, у.о. 1,96 гр., с.о. 1,86 гр., пр. 585	2 311 171,42
52.	21912	Узук 1 дона, у.о. 1,69 гр., с.о. 1,69 гр., пр. 585	2 232 450,00
53.	21971	Занжир 1 дона, сирға 1 жуфт, билагузук 1 дона, у.о. 29,02 гр., с.о. 28,62 гр., пр. 585	31 275 000,00
54.	22032	Сирға 1 жуфт, у.о. 3,72 гр., с.о. 3,60 гр., пр. 585	4 701 900,00
55.	22262	Занжир 2 дона, кулон 1 дона, узук 2 дона, сирға 1 жуфт, у.о. 20,02 гр., с.о. 19,62 гр., пр. 585	25 366 500,00
56.	22332	Сирға 1 жуфт, у.о. 4,42 гр., с.о. 3,42 гр., пр. 585	4 459 500,00
57.	22403	Сирға 1 жуфт, у.о. 3,94 гр., с.о. 3,44 гр., пр. 585	4 489 800,00
58.	22472	Узук 1 дона, у.о. 2,84 гр., с.о. 2,84 гр., пр. 585	3 520 200,00
59.	22479	Узук 1 дона нуқсонли, сирға 1 жуфт, у.о. 9,09 гр., с.о. 8,49 гр., пр. 585	9 686 250,00
60.	22703	Билагузук 1 дона, узук 2 дона, у.о. 6,45 гр., с.о. 6,00 гр., пр. 585	6 883 500,00
61.	22732	Узук 2 дона, у.о. 9,74 гр., с.о. 9,54 гр., пр. 585	6 883 500,00
62.	22761	Узук 2 дона нуқсонли, у.о. 3,41 гр., с.о. 2,51 гр., пр. 585	3 368 700,00
63.	22830	Узук 2 дона, у.о. 4,44 гр., с.о. 3,64 гр., пр. 585	4 853 400,00
64.	22894	Узук 1 дона, сирға 1 жуфт, у.о. 6,60 гр., с.о. 6,60 гр., пр. 585	9 004 500,00
65.	22907	Билагузук 1 дона, у.о. 8,75 гр., с.о. 8,75 гр., пр. 585	11 989 050,00
66.	22930	Занжир 1 дона нуқсонли, у.о. 9,15 гр., с.о. 9,15 гр., пр. 585	12 186 000,00
67.	22932	Узук 1 дона нуқсонли, у.о. 4,34 гр., с.о. 4,34 гр., пр. 585	5 974 500,00
68.	22937	Сирға 2 жуфт, узук 1 дона, занжир 1 дона, у.о. 12,86 гр., с.о. 12,46 гр., пр. 585	16 731 000,00
69.	23021	Сирға 1 жуфт, у.о. 4,81 гр., с.о. 4,61 гр., 750/585	6 126 000,00
70.	23147	Узук 2 дона нуқсонли, сирға 1 жуфт нуқсонли, у.о. 3,35 гр., с.о. 3,05 гр., пр. 585	4 156 500,00
71.	23177	Узук 1 дона нуқсонли, у.о. 1,85 гр., с.о. 1,70 гр., пр. 585	2 353 650,00
72.	23302	Узук 1 дона нуқсонли, у.о. 2,58 гр., с.о. 2,38 гр., 750	3 096 000,00
73.	23412	Билагузук 1 дона, узук 1 дона, у.о. 7,64 гр., с.о. 7,34 гр., пр. 585	9 958 950,00
74.	23431	Узук 1 дона, у.о. 3,39 гр., с.о. 2,89 гр., пр. 585	3 959 550,00
75.	23507	Узук 3 дона нуқсонли, у.о. 5,59 гр., с.о. 4,79 гр., пр. 585	4 308 000,00
76.	23651	Занжир 1 дона, у.о. 6,81 гр., с.о. 6,81 гр., пр. 585	9 246 900,00
77.	23679	Занжир 1 дона, у.о. 14,38 гр., с.о. 14,38 гр., пр. 585	31 275 000,00
78.	23680	Кулон 1 дона, у.о. 14,14 гр., с.о. 14,00 гр., пр. 585	31 275 000,00
79.	23721	Узук 1 дона, у.о. 2,42 гр., с.о. 2,12 гр., пр. 585	2 914 200,00
80.	23851	Занжир 1 дона, у.о. 14,07 гр., с.о. 14,07 гр., пр. 585	18 246 000,00
81.	23969	Узук ва сирға 1 тўплам, у.о. 10,42 гр., с.о. 10,42 гр., пр. 585	11 883 000,00
82.	24160	Узук 1 дона, у.о. 1,66 гр., с.о. 1,66 гр., пр. 585	2 293 050,00
83.	24214	Билагузук 1 дона нуқсонли, узук 3 дона нуқсонли, сирға 2 жуфт, у.о. 19,92 гр., с.о. 19,42 гр., пр. 585	26 245 200,00
84.	24288	Узук 1 дона, у.о. 1,75 гр., с.о. 1,50 гр., пр. 585	2 035 500,00
85.	24332	Узук 2 дона, у.о. 3,06 гр., с.о. 2,76 гр., пр. 585	3 777 750,00
86.	24392	Узук 1 дона, у.о. 1,70 гр., с.о. 1,70 гр., пр. 585	1 990 050,00
		Жами бошланғич баҳоси	**804 143 698,38**

Аукцион савдолар **2026 йил 17 декабрь** куни соат 11.00 дан бошлаб ўтказилади. **Аризаларни қабул қилишнинг охирги муддати:** 2026 йил 15 декабрь куни соат 18.00 гача. Аризалар расмий иш кунлари соат 10.00 дан 16.00 гача қабул қилинади (13.00 дан 14.00 гача тушлик).

Юқоридаги заргарлик буюмлари **2026 йил 17 декабрь** куни сотилмаган тақдирда, такрорий савдолар 2027 йил 5 январь куни соат 11.00 дан бошлаб ўтказилади. Такрорий савдолар учун аризаларни қабул қилишнинг охирги муддати бир иш кун аввал соат 16.00 гача.

Савдо ғолибига 10 кун ичида сотувчи билан олди-сотди шартномаси тузиш мажбурияти юклатилади.

Талабгорлар мулк бошланғич баҳосининг 5 фоизидан кам бўлмаган миқдорда закалат пулини қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 2020 8000 0005 7145 2008 ХАТБ “Давр Банк” Олмазор филиали МФО 01121 СТИР 200 933 850.

Аукцион савдо ўтказиладиган ва аризалар қабул қилинадиган манзил: Тошкент шаҳри, Мирзо Улуғбек тумани, Ҳамид Олимжон кўчаси, 13-“А” уй.

Телефон: 71-237-23-96.

001805 рақамли гувоҳнома.

Хизмат кўрсатган устоз қурувчи

Архитектура ва қурилиш соҳаси Фахрийлар кенгаши аъзоси Кайратдин Наурзбаев 1953 йил 17 августда Қорақалпоғистон Республикаси Кегейли туманида ишчилар оиласида таваллуд топган. 1978 йили Абу Райҳон Беруний номидаги Тошкент политехника институтининг саноат ва фуқаро қурилиши факультетини муҳандис-қурувчи мутахассислиги бўйича тамомлаган.



Шерзод НИЗАМОВ,
Архитектура ва қурилиш соҳасида Фахрийлар кенгаши раиси ёрдамчиси.

Ўз меҳнат фаолиятини 1978 йилда 166-сон қурилиш трестида Ишлаб чиқариш-техник бўлимида муҳандис лавозимида бошлаган.

Кайратдин Наурзбаев ўз меҳнат фаолияти давомида ҳалоллиги, меҳнатсеварлиги ва масъулияти билан жамоага намуна, ишга муносабати билан ҳамкасблари ва шогирдларига ибрат бўлиб келмоқда. Соҳа ривожига кўплаб ҳисса қўшган устоз "Қорақалпоғистон Республикасида хизмат кўрсатган қурувчи" фахрий унвонини олганлардан биридир.

К. Наурзбаев мутахассислиги бўйича 48 йиллик тажрибага эга. Илк меҳнат фаолиятини Ишлаб чиқариш-техник бўлимида муҳандис сифатида бошлаган малакали мутахассис қатор йиллар давомида бир қанча ташкилотларда ишлаб, тажрибасини бойитди. Хусусан, ТББ корхонаси директори, бош инженер ҳамда бошқарма бошлиғи, Нукус шаҳар ҳокимининг қурилиш масалалари бўйича ўринбосари, Ўзбекистон Республикаси Қурилиш вазирлиги ҳузуридаги "Уй қурилиш комбинати", "КК Пухаракурылыс" 3-сон қурилиш бошқармаси директори, "Жайхун нийет" МЧЖ директори каби масъулиятли вазифалар унинг бунёдкорлик йўлидаги жонбозлигидан далолатдир.

Кайратдин Наурзбаев 2012 йилдан "Гентиклаш Курилиш" МЧЖда ишлаб чиқариш бўлими муҳандиси, директор ва техник ҳужжатлар бўйича муҳандис лавозимида ишлаб келмоқда.

Малакали мутахассис томонидан сўнгги йиллар давомида жамиятда маънавий-маърифий ишларни амалга ошириш, юксак ижтимоий-маънавий муҳитни шакллантириш борасида кўплаб ишлар амалга оширилган. Мазкур ташкилотга раҳбарлик даврида "Советский" номидаги давлат музейи реконструкцияси, Қонликўл туманидаги "Дўстлик" МФЙда 4 ва 5 қаватли намунавий уй-жойлар қурилиши, Кегейли туманидаги "Қумшунгил" МФЙда болалар боғчаси қурилиши, Нукус шаҳридаги "Телеорай" МФЙда 150 ўринли оилавий поликлиника қурилиши, Нукус шаҳридаги 51-сон умумтаълим мактаб реконструкцияси, "Қутлуғмакон" МФЙда оилавий поликлиника ва бир қанча ижтимоий соҳа объектлари қурилишида фаол иштирок этган.

Фахрий мутахассис ёш кадрлар билан устоз-шогирд тамойиллари асосида самарали ишлаб, кўплаб шогирдлар тарбиялаган. У ўз соҳасининг пухта билимдони, фидойи ва жонкуяр инсон, ташаббускор, меҳнатсевар мутахассис сифатида шогирдлари ва ҳамкасблари ўртасида ҳурмат қозониб келмоқда.

Шаҳристоннинг биз билмаган қиёфаси

Тошкент метрополитени нафақат шаҳар транспортининг муҳим қисми, балки ўз тарихи ва архитектураси билан ҳам алоҳида аҳамиятга эга. Унинг ҳар бир бекати ўзига хос қиёфа, безак ва қурилиш ечимлари билан ажралиб туради.
Ана шундай бекатлардан бири – Шаҳристон метро бекатидир.

Абдужаббор АЛИҚУЛОВ,
"O'zbekiston bunyodkori" мухбири.

Кўпчилик ҳар куни ундан фойдаланса-да, унинг бошқа метро бекатларидан фарқ қилувчи жиҳатлари, қурилиш тарихи ва архитектураси ҳақида ҳамма ҳам билавермайди. Айниқса, Шаҳристон – Тошкент метрополитенида ўзининг ноодатий платформалар жойлашуви ва ўзига хос архитектура-дизайн ечими билан ажралиб турадиган ягона бекат экани уни янада қизиқарли қилади. Унинг ўзига хослиги нафақат ташқи кўринишида, балки поездлар ва йўловчилар ҳаракатининг ташкил этилишида ҳам намоён бўлади.

Мустақиллик йилларида барпо этилган метро бекати

Шаҳристон бекатининг тарихи Юнусобод метро йўналиши қурилиши билан боғлиқ. Ушбу йўналиш қурилиши 1989 йилда бошланган бўлса-да, молиявий қийинчиликлар сабаб ишлар бир муддат секинлашган. 2000 йилда қурилишни якунлаш бўйича қарор қабул қилиниб, кейинги йилларда ишлар яна жадаллаштирилди. Ниҳоят, 2001 йил 26 октябрда Юнусобод йўналишининг дастлабки олтита бекати фойдаланишга топширилди. Шаҳристон ҳам ана шу бекатлар қаторида пойтахт аҳолисига хизмат кўрсата бошлади.

Қизиғи шундаки, бекат дастлаб Ҳабиб Абдуллаев номи билан аталган. 2015 йилда эса унинг номи Шаҳристонга ўзгартирилди. Бу ном тарихий шаҳарсозлик анъаналари билан боғлиқ бўлиб, қадимда шаҳарнинг асосий, девор билан ўралган қисмини англатган. Шу жиҳатдан бекат номи ҳам Тошкентнинг тарихий хотирасига ишора қилади.



Шаҳристоннинг яна бир эътиборли томони – унинг қурилишидир. Одатда, Тошкент метросининг кўпчилик бекатларида йўловчилар поездлар ўртасидаги марказий платформада кутади. Шаҳристонда эса бунинг аксини кўриш мумкин, яъни поездлар ўртадаги йўллардан ҳаракатланади, йўловчилар эса икки ёндаги платформалардан фойдаланади. Бу ўзига хос тузилиш бекатни бошқа метро иншоотларидан ажратиб туради. Бундай ечим, айниқса, бекат жойлашган ҳудуднинг транспорт ва қурилиш шароитларини ҳисобга олган ҳолда амалга оширилган муҳандислик ёндашувининг натижаси сифатида аҳамиятлидир.

Архитектурасида акс этган табиий бойликлар ва маданий қиёфа

Шаҳристон бекатини фақат транспорт иншооти сифатида баҳолаш унинг ҳақиқий қийматини тўлиқ очиб бермайди. Бекатнинг архитектурасида Ўзбекистоннинг табиий бойликлари ва геологик хусусиятлари ҳам ўз ифодасини топган. Вестибюлда мамлакатнинг геологик харитаси ярим қимматбаҳо тошлардан ишланган мозаика орқали тасвирланган. Деворларни безашда эса Наманган вилоятининг Чуст ҳудудидан олинган оч рангли травертиндан фойдаланилган.

Бу безаклар бекатга оддий транспорт маконидан кўра кенгроқ мазмун беради. Геологик харита орқали мамлакатнинг табиий бойликлари бадиий шаклда намоён бўлса, табиий тошлар интерьерга ўзига хос кўриниш ва эстетик қиёфа бағишлайди. Бундай ёндашув метро архитектурасида миллий материаллар ва маҳаллий хусусиятлардан фойдаланиш анъанасининг давомидир.

Шаҳристоннинг архитектурасидаги яна бир муҳим жиҳат – муҳандислик ва эстетиканинг ўзаро уйғунлигидир. Бекатда йўловчилар ҳаракати учун қулай шароит яратиш билан бирга, унинг ички муҳитига ҳам алоҳида эътибор қаратилган. Бу эса метро қурилишида фақат техник вазифалар эмас, балки инсоннинг маконни ҳис қилиши ва ундан фойдаланиш тажрибаси ҳам муҳим эканини кўрсатади.

2020 йилда Юнусобод метро йўналишининг иккинчи босқичи доирасида "Юнусобод" ва "Туркистон" бекатлари очилиб, йўналиш янада кенгайтирилди. Натижада Шаҳристон бекати ҳам пойтахтнинг кенгайиб бораётган транспорт тармоғида муҳим ўрин эгаллашда давом этди. Бу ҳолат метро бекатларининг шаҳар тараққиёти билан бирга ривожланиб боришини кўрсатади.

Шаҳристон – оддий бекатдан кўра кенгроқ маънога эга

Бугун Шаҳристон бекатига ҳар куни турли мақсадларда келаётган йўловчилар унинг ўзига хос архитектураси ёки қурилиш тарихи ҳақида ўйлаб ҳам кўрмаслиги мумкин. Аммо унинг платформалари, табиий тошлардан ишланган безаклари ва геологик мозаикасига эътибор қаратилса, бу маконнинг оддий транспорт вазифасидан ташқари мазмунга ҳам эга эканини англаш мумкин.

Шаҳристон мисолида метро бекати шаҳарнинг тарихий хотираси, муҳандислик тафаккури ва архитектура маданиятини бирлаштирувчи макон сифатида намоён бўлади. Унда қадимий шаҳарсозликка ишора қилувчи ном, замонавий транспорт эҳтиёжларига мос қурилиш ечими ва миллий табиий бойликларни акс эттирувчи безаклар уйғунлашган.

Энг муҳими, метро бекатлари шаҳар ҳаётининг ажралмас қисми бўлиш билан бирга, унинг маданий қиёфасини ҳам шакллантиради. Шаҳристон эса ҳар куни кўз олдимизда бўлса-да, тарих ва архитектура нуқтаи назаридан қайта кашф этишга арзийдиган ана шундай маконлардан биридир.

Шаҳарсозликка ноқонуний аралашганлар жаримага тортилади

Ўзбекистонда шаҳарсозлик фаолияти соҳасида рухсат бериш тартиб-таомилларига қонунга хилоф равишда аралашганлик учун маъмурий ва жиноий жавобгарлик белгиланди.

Президент томонидан имзоланган қонун билан (2026 йил 2 ноябрдаги ЎРҚ-1186-сон) Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги ҳамда Жиноят кодексларига тегишли ўзгартириш ва қўшимчалар киритилди.

Унга кўра, объектларни қуриш учун ер участкаларини ажратиш, лойиҳалаштириш, қуриш, реконструкция қилиш ҳамда қурилиши тугалланган объектларни фойдаланишга қабул қилиш билан боғлиқ рухсат бериш тартиб-таомилларини амалга оширишда ваколатли органлар ва хулоса берувчи ташкилотларнинг зиммасига юклатилган вазифа ҳамда функцияларни бажаришига мансаб ваколатларидан фойдаланган ҳолда қонунга хилоф равишда аралашиш, яъни, ҳар қандай шаклда таъсир кўрсатиш, босим ўтказиш ёки тўсқинлик қилиш учун маъмурий ҳамда жиноий жавобгарлик белгиланди.

Бундай ҳуқуқбузарликни биринчи марта содир этган шахсларга нисбатан базавий ҳисоблаш миқдорининг 100 бараваридан 150 бараваригача, яъни 44 миллион сўмдан 66 миллион сўмгача миқдорда жарима ёки 15 суткагача маъмурий қамоқ жазоси қўлланилиши мумкин.

Агар ушбу қилмиш маъмурий жазо қўлланилганидан кейин такроран содир этилса, жиноий жавобгарлик келиб чиқади.

Бунда қуйидаги жазолардан бири қўлланилади:

- базавий ҳисоблаш миқдорининг 300 бараваригача, яъни 132 миллион сўмгача миқдорда жарима;
- беш йилгача муайян ҳуқуқдан маҳрум қилиш;
- 360 соатгача мажбурий жамоат ишлари;
- уч йилгача ахлоқ тузатиш ишлари;
- бир йилдан икки йилгача озодликни чеклаш;
- икки йилгача озодликдан маҳрум қилиш.

Шунингдек, мазкур қонун 2027 йил 5 февралдан бошлаб кучга кириши белгиланган.

Мазкур қонундан кўзланган асосий мақсад – шаҳарсозлик фаолиятида қонунийлик ва шаффофликни таъминлаш, рухсат бериш тартиб-таомилларига ноқонуний аралашув, мансаб ваколатларини суиистеъмол қилиш ҳамда турли шаклдаги босим ўтказиш ҳолатларининг олдини олиш, шунингдек, қурилиш соҳасида белгиланган қонунчилик талабларига қатъий риоя этилишини таъминлашдан иборат.

Ўз мухбиримиз.

Тадқиқот

Меъморий шаклларнинг инсон психологияси, ҳиссий ҳолати ва фазовий идрокига таъсири жуда катта. Масалан, бирор бинога киришингиз билан беихтиёр унинг кириш йўлаклари, майдонни безаб турган эгри чизиқли ёки бурчакли геометрик шакллар эътиборингизни тортади. Бундай муҳитни кўрганингизда беихтиёр унинг нега бундайлиги ҳақида фикрлай бошлайсиз, бежиримлиги сизни завқлантиради, руҳиятингизни кўтаради. Демак, хаёлан бўлса-да, эстетик жиҳатдан бу манзарани баҳолаяпсиз, хоналарнинг қулайлигини ҳис қиляпсиз.

Меъморчилик ва психологиянинг ўзаро боғлиқлиги

Диёра БОЙМУҲАМЕДОВА,
ТАҚУ талабаси.

Бу каби таассуротлар фақат бинонинг ўлчамлари билан белгиланмайди. Геометрик шакллар, мебелларнинг жойлашуви, кўриш йўналишлари ва маконнинг ташкилий тузилиши ҳам муҳим роль ўйнайди. Меъморларимиз шунинг учун ҳам барпо этилажак биноларни лойиҳалаш жараёнида фойдаланувчининг эҳтиёжлари, ҳиссий таассуротлари ва маконни идрок этиш хусусиятларини ҳисобга олишлари керак.

Меъморий шакллар – бино ёки унинг алоҳида қисмларининг геометрик тузилиши, ташқи кўриниши, ҳажми, чизиқлари ва фазовий ташкил этилишини ифодалайди. Инсон маконни фақат кўриш орқали эмас, балки унда ҳаракатланиш, товушларни эшитиш ва атрофдаги объектлар билан ўзаро муносабатга киришиш орқали ҳам меъморий ҳашамни идрок этади. Айрим шакллар ёруғлик, ранг, материал ва макон билан уйғунлашиб турлича таассурот уйғотиши мумкин.

Бурчакли шаклларга тўғри чизиқлар, кескин бурилишлар, тўртбурчакли ҳажмлар ва аниқ геометрик чегаралар киради. Эгри шакллар эса юмалоқ контурлар, ёйлар, доиравий элементлар ва узлуксиз эгри чизиқлардан ташкил топади. Эгри шакллар кўпинча юмшоқлик, равонлик ва кўриш қамрови билан ажралиб туради. Бурчакли шакллар эса аниқлик, қатъийлик, тартиб ва геометрик структура таассуротини юзага келтириши мумкин. Бу тавсифлар ҳам аслида қатъий эмас, балки, муайян шароитда ўзгариши мумкин, бу инсоннинг идрок этиш салоҳиятига боғлиқ, хусусиятларига ҳам боғлиқ бўлган.

Психологик нуқтаи назаридан қарайдиган бўлсак, юмалоқ чизиқлар фақат кутиш заллари, дам олиш хоналари ёки меҳмонхона кўринишлари кузатилаётганда томошабин таассуротини юмшатиш, ёқимли таассурот қолдириш учун қўлланилади, кишида хотиржамлик ҳиссини уйғотади, деб қатъий хулоса чиқариб бўлмайди. Масалан, соҳага оид айрим тадқиқотларда эгри



ва бурчакли интерьерларга нисбатан ёндашиш ёки улардан узоқлашиш билан боғлиқ бошқа қарашлар ҳам мавжуд.

Манбаларда келтирилишича, мутахассислар томонидан 219 нафар иштирокчининг фикри умумлаштирилганда, эгри шаклларга нисбатан аниқ хулқий устунлик аниқланмаган. Бу ҳолат шаклларга бўлган эстетик муносабат билан реал ёки автоматик хулқий жавоб бир хил ҳодиса эмаслигини кўрсатади. Демак, эгри шаклларнинг афзаллиги ҳақидаги қарашларга эҳтиёткорлик билан ёндашиш лозим. Интерьерларни лойиҳалашда шаклнинг психологик таъсирини фойдаланувчи гуруҳи, хона вазифаси ва бошқа муҳит омиллари билан биргаликда кўриб чиқиш мақсадга мувофиқ.

Инсоннинг маконда эркин ҳаракатланиши, объектларни осон англай олиши ва ўзини вазиятга мос ҳис этиши фақат хона майдонига эмас, балки унинг ташкил этилишига ҳам боғлиқ. Тўғри чизиқли ва бурчакли шакллар кўплаб замонавий интерьерларда тартибли режалаштириш ва функционал зоналарни аниқ ажратиш имконини беради. Масалан, ошхона мебеллари, иш столлари ва сақлаш тизимларининг тўғри чизиқли жойлашуви фойдаланиш жараёнини соддалаштириши мумкин. Шу сабабли бурчакли шаклларни фақат совуқ ёки ноқулай деб баҳолаш нотўғри бўлади. Эгри шакллар эса кўриш йўналишини ўзгартириш, кескин чегараларни юмшатиш ёки маконда узлуксиз композиция ҳосил қилиш учун ишлатилади. Эгри деворлар, ёй шаклидаги йўлаклар ва юмалоқ мебеллар интерьерга ўзига хос визуал характер бериши мумкин.

Бироқ бундай ечимлар мебель жойлашуви, фойдаланиладиган майдон ва ҳаракатланиш қулайлигига салбий таъсир қилмаслиги керак. Фазовий идрокда кўриш майдони ва маконнинг чегаралари ҳам муҳим. Хонанинг бир қисми тўсиқлар билан беркитилганида ёки йўналишлар тушунарсиз бўлганида, фойдаланувчи маконни англашда кўпроқ куч сарфлаши мумкин. Шу сабабли композиция нафақат эстетик, балки функционал жиҳатдан ҳам тушунарли бўлиши зарур.

Меъморий шакллар инсоннинг макондаги йўналишни топишига ҳам таъсир кўрсатади. Такрорланувчи элементлар, равшан йўналишлар ва мантиқий ташкил этилган зоналар ҳаракатланишни осонлаштириши мумкин. Бу айниқса, шифохона, таълим муассасаси, савдо маркази ва жамоат бинолари каби мураккаб режалаштирилган объектларда муҳимдир.

Табиий ва сунъий ёруғлик шаклларнинг кўриниши соя ва ҳажм ҳақидаги фикрни ўзгартиради. Бир хил эгри ёки бурчакли элемент кучли сояда кескинроқ, тарқоқ ёруғликда эса юмшоқроқ кўриниши мумкин. Шу сабабли шаклни баҳолашда ёритиш шароитини ҳам ҳисобга олиш зарур.

Ранг ва материал

Ранг – маконнинг визуал яхлитлиги ва кайфиятга оид таассуротларига таъсир қилиши мумкин. Ёғоч, тош, металл, шиша ва бошқа материалларнинг фактураси ҳам шаклнинг қабул қилинишини ўзгартиради. Масалан, бир хил геометрик шакл табиий ёғочдан ишланганда бошқа, ялтироқ металлдан ишланганда эса бошқача таассурот уйғотиши мумкин.

Дам олиш хонаси, иш жойи, таълим хонаси ва тиббиёт муассасаси фойдаланувчидан турли эҳтиёжларни талаб қилади. Дам олиш маконида визуал юмшоқлик муҳим бўлиши мумкин, иш ёки лаборатория муҳитида эса аниқ ташкил этилган иш зоналари ва функционал қулайлик устувор аҳамиятга эга.

Инсон шаклларни фақат биологик ёки визуал хусусиятлар асосида баҳоламайди. У яшаган муҳит, миллий меъморий анъаналар, кундалик тажриба ва шахсий дид ҳам муҳим роль ўйнайди. Шу боис турли маданий гуруҳларнинг интерьерга бўлган муносабатини алоҳида ўрганиш илмий жиҳатдан аҳамиятлидир. Фойдаланувчиларнинг ёши, ҳаракатланиш имконияти, кўриш хусусиятлари ва макондан фойдаланиш тажрибаси лойиҳалаш қарорларига таъсир қилади. Инсон марказидаги архитектура турли фойдаланувчилар эҳтиёжларини ҳисобга олишга интилади.

Демак, архитектура шаклларининг таъсирини фақат ташқи кўринишга асосланиб баҳолаш етарли эмас. Интерьер дизайнида шаклни танлашда хона функцияси, ҳаракатланиш қулайлиги, ёритиш, материаллар, ранглар ва фойдаланувчиларнинг индивидуал хусусиятлари биргаликда ҳисобга олиниши зарур. Инсон марказидаги лойиҳалаш ёндашуви архитектуранинг эстетик қийматини амалий қулайлик ва фойдаланувчи эҳтиёжлари билан уйғунлаштиришга ёрдам беради.

Özbekiston bunyodkori
ijtimoiy-iqtisodiy gazeta Строитель Узбекистана

Таҳрир ҳайъати:
Шерзод Ҳидоятов (Таҳрир ҳайъати раиси),
Давронжон Адилов, Тоир Алиматов,
Озода Жўраева, Сирожиддин Эшқувватов,
Козим Туляганов, Юлдаш Магрупов,
Бобир Элмуродов, Илҳом Аҳмедов.

Таҳририят:
Бош муҳаррир – Дилшод Жалолов
Бош муҳаррир ўринбосари –
Райҳона Хўжаева
Саҳифаловчи – Акмал Махкамов
Мусаҳҳиҳ – Марҳамат Мусулмонқулова

Газета "Ўзбекистон бунёдкори" Нашриёт уйи МЧЖ томонидан нашрга тайёрланди.

"Ўзбекистон бунёдкори" Нашриёт уйи МЧЖ муассислари:
Ўзбекистон Республикаси
Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирлиги,
"ЎзГАШКЛИТИ" МЧЖ,
"ЎзшаҳарсозликЛИТИ" ДМ,
"Қишлоқ қурилиш инвест" ИК МЧЖ,
"ЎзгеорангметЛИТИ" ДУК.

Таҳририят манзили:
100011, Тошкент шаҳри, Навоий кўчаси, 18-уй.

Телефонлар:
71-241-01-29, 71-241-01-43, 71-241-01-29, 71-208-12-00.
E-mail: info@uzbunyodkor.uz

Худудлардаги мухбирлар:
Қорақалпоғистон Республикаси: 90-658-50-43.
Андижон вилояти: 93-410-15-18.
Бухоро вилояти: 90-612-78-80.
Жиззах вилояти: 91-568-77-48.
Қашқадарё вилояти: 94-642-50-53.
Навоий вилояти: 99-731-17-40.
Наманган вилояти: 91-365-07-36.
Самарқанд вилояти: 95-560-30-45.
Сирдарё вилояти: 94-916-99-77.
Сурхондарё вилояти: 97-850-80-22.
Фарғона вилояти: 99-363-39-37.
Хоразм вилояти: 99-967-48-30.

Газета 2016 йил 25 июлда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0874-рақам билан рўйхатга олинган.
Нашр индекси – 466. Буюртма – Г- 1141.
1199 нусхада босилди. Қоғоз бичими А-2.
Ҳажми – 3 табоқ, офсет усулида босилган.

Баҳоси келишилган нархда. ISSN 2181-8762.
Таҳририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.
Газета таҳририят компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига "Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси масъул.
Корхона манзили: Тошкент шаҳри, "Буюк Турон" кўчаси, 41.

ЎзА якуни – 20.55 Топширилди – 23.20.

Газетанинг навбатдаги сони 20 ноябрь куни чиқади.